Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 9 июль, шанба № 113 (21.717). Сотувда эркин нархда:

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ АЛМАТИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги расмий делегация 8 июль куни Алмати шаҳрига жўнаб кетди. Делегация таркибида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов ва бошқа расмий кишилар бор.

— Марказий Осиё халқлари азалдан бир Ватан — Она Туркистон фарзандларидир ва шу боис уларнинг тўкис турмуш, тўқ-фаровон ҳаёт, порлоқ келажак тўғрисидаги ўй-орзулари уйқаш ҳамда бу йўлдаги интилишларида ҳам бирдамлик мужассам,— деди Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда.— Шундай экан, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлат ва ҳукумат раҳбарларининг одатга айланаётган амалий учрашувлари олдимиздаги муаммоларни ечиш, сунъий тўсиқларни бартараф этиш, халқларимиз ўртасидаги узвий боғлиқлик, қон-қардошликни камол топтириш йўлида хизмат қилиши табиийдир. Бу галги учрашувда, аввало, иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, яъни ягона иқтисодий макон фаолиятига алоқадор баъзи жиҳатларни таҳлил этиш, халқларимиз ўртасида низо уйғотишга уринаётган айрим кучлар иғвосига қарши сиёсий ҳамжиҳатликка эришиш борасидаги масалаларни ҳал этишни режалаштирганмиз.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон раҳбарини республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Бахтиёр Ғуломов, Тошкент шаҳри ҳокими Адҳамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖИҲАТЛИК ЙЎЛИДА

АЛМАТИ, 8 июль. (ЎзА махсус мухбири Амирқул Карим хабар қилади). Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашувида иштирок этиш учун **Алматига етиб келди.**

Республикамиз Президентини Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Аэропортда учала мамлакат раҳбарлари журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, Алмати учрашуви Марказий Осиё давлатларининг ягона иқтисодий маконини яратиш, қардош мамлакатлар ўртасида иқтисодий интеграцияни вужудга келтириш йўлида янги қадам бўлишини ва бу борада муҳим ҳужжатлар имзоланишини таъкидладилар.

— Иқтисодиётимизни барқарорлаштириш бўйича мавжуд аҳдлашувларимиз МДҲ доирасида равнақ топиши лозим бўлган ялпи ҳамжиҳатлик жараёнининг узвий бир қисмидир,— деди Ислом Каримов.— Янги ва муҳим қарорлар чиқариш билан биз ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларга муносиб ўрнак бўлишимизга ишончим комил.

Автомашиналар карвони Қозоғистон Президенти қароргоҳи сари йўл олди. Бу ерда уч қардош мамлакат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.

Айни пайтда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари делегациялари ўртасида музокаралар бошланди. Қозоғистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида уч қўшни мамлакат ташқи ишлар вазирлари Тошкент ҳамда Бишкекда келишилган аҳдномаларнинг бажарилиши юзасидан кенгашдилар.

Сўнг делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар ниҳоясида Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Акаев биргаликда баёнот ҳамда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон халқларига мурожаатнома қабул қилдилар. Қўшма баёнотда, жумладан, самимий ва ўзаро ҳамфикрлик руҳида ўтган Алмати учрашуви илдизлари тарихан туташ халқларимизнинг анъанавий дўстлиги ва ҳамкорлигига муҳим ҳисса қўшгани таъкидланган.

Шунингдек, аҳоли миграцияси соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум ҳамда учала республика ўртасида Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкини таъсис этиш тўғрисида битим имзоланди. Мазкур мамлакатлар ҳукумат раҳбарлари эса республикалар ўртасида ҳарбий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт соҳасидаги ҳукуматлараро битим ва шартномаларни ахборот билан таъминлаш тўғрисидаги битимларни имзоладилар.

Учрашувда эришилган энг йирик аҳдномалардан бири уч республика давлат бошлиқларининг давлатлараро кенгаши ва унинг органларини тузиш ҳақидаги қарор бўлди. Бундан ташқари, томонлар музокаралар якуни асосида иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш юзасидан ҳукуматлараро комиссия тузишга келишиб олдилар. Мазкур комиссия ҳомийлигида ижроий қўмита, ташқи ишлар ва мудофаа вазирлари кенгаши фаолият бошлаши кўзда тутилмоқда.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Президентлар Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Акаев журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

(ЎзА).

ИЛМУ ФАН МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

СУРАТЛАРДА: йиғилиш пайти.

Р. НУРИДДИНОВ тасвири (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

Илм-фан иқтисодий муносабатларда, ижтимоий ва маънавий ҳаётда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг, давлат мустақиллиги асосларини мустаҳкамлашнинг муҳим қисми бўлиши лозим. Илмий-техникавий тараққиёт даражаси ва суръатлари ҳақиқатан ҳам юксалиши учун республикадаги мавжуд илмий салоҳиятдан янада тўлароқ фойдаланиш, ишнинг пировард натижалари учун тадқиқот жамоаларининг масъулиятини ошириш зарур.

7 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Фанлар академиясининг умумий йиғилишида шу ҳақда гапирилди. Йиғилиш иштирокчилари халқ хўжалигининг долзарб муаммоларини ҳал этишда республика олимлари олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов очди. Йиғилиш иштирокчиларининг нутқларида ҳозирги шароит — бозор муносабатларига ўтиш, демократик давлат асосларини шакллантириш, мустақил ташқи сиёсат юритиш Осиё минтақасида тинчликни барқарорлаштирувчи қудратли омил сифатида Ўзбекистоннинг мавқеи ошиб бораётгани билан боғлиқлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунинг учун ҳам улар республика илм-фани бош штаби фаолиятининг асосий жиҳатларига тўхталиб ўтдилар. Фан, таълим, маданият, қонунчилик, иқтисодиётнинг энг муҳим муаммолари, хусусан экология жиҳатидан соф ва ресурсларни тежайдиган технологияларни яратиш, фойдали конларни излаш ва ишга солиш, табиат ресурсларини қайта ишлаш, деҳқончилик-саноат мажмуи ишида қатнашиш — академия институтлари учун фаолият майдони эканлиги таъкидланди. Кимё ва биология соҳасидаги тадқиқотлар, тиббиёт, озиқ-овқат саноати учун янги моддаларни ишлаб чиқиш, сейсмодинамика, материалшунослик муаммоларини ўрганиш устивор йўналишлар бўлиб қолмоқда.

Йиғилиш иштирокчилари шу муносабат билан Ўзбекистонда илмий-техникавий сиёсатни шакллантириш, кадр тайёрлаш, илмий тадқиқотларни моддий ва техник жиҳатдан таъминлаш, халқаро алоқаларни ривожлантириш масалалари катта аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтдилар. Илмий ишланмалар самарадорлиги бугунги талабларга тўла жавоб беролмайди. Янги мавзулар бўйича тадқиқотларни ривожлантириш учун ресурслар жуда секинлик билан ажратилмоқда. Илмий муассасалар тузилмасида янги йўналишларни ривожлантириш бўйича ўзгаришлар юз бергани йўқ.

Йиғилишда бошқарувнинг самарали усулларини, фанни ривожлантиришнинг илғор шаклларини қидиришни кенг йўлга қўйиш зарурлиги ҳақида гапирилди. Илмий-тадқиқот жамоалари у ёки бу ишланмаларга қўл уриш ҳуқуқи учун курашиши, ўз мавзуларининг рақобатбардошлиги ҳамда иқтисодий жиҳатдан аҳамияти муҳимлигини тасдиқлаши лозим.

(ЎзА).

• *Янги китоб*

Ўзбекистон тажрибаси эътиборга молик

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Тошкентдаги маданият-ахборот марказида Ислом Каримовнинг Бишкекда нашр этилган «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобининг тақдимоти бўлди. Шу муносабат билан Қирғизистон Республикасининг элчихонаси Ўзбекистон журналистлари билан учрашув ташкил этди.

Қардош мамлакат вакиллари сўзлаб, ўз даврининг вазифалари ва талабларига тўла жавоб берадиган, узоқни кўра биладиган ва кучли иродали, янги тоифадаги сиёсий йўлбошчи ва давлат раҳбари бўлган Ислом Каримовнинг фаолиятига Қирғизистонда қизиқиш катталигини таъкидлашди. Уларнинг фикрича, Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси, Президент, республика раҳбарияти томонидан туб тарихий бурилишнинг жуда мураккаб босқичида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат жаҳон ҳамжамиятида муносиб баҳосини олганича йўқ. Бугунги Ўзбекистондаги бу тажриба, давлат қурилиши ва раҳбарлик тамойиллари диққат билан ўрганишга арзигулиқдир. Улар кўпгина мамлакатлар — биринчи навбатда Марказий Осиё ва Ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларида ҳаракат учун қўлланма бўлиши мумкин.

Юқорида номи тилга олинган китобда мана шу тажрибанинг моҳияти баён этилган. Китобдан ўрин олган Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев билан суҳбат ўзига хос шарҳ вазифасини ўтайди. Унда мазкур китобнинг нашр этилиши муҳим ҳодиса эканлиги, унинг чуқур мазмуни таъкидланган.

(ЎзА).

ИЖТИМОИЙ БАРҚАРОРЛИК— ЖАҲОН МИҚЁСИДАГИ МУАММО

«Одамлар кундалик шахсий ҳаётларида хотиржам бўлмасалар, дунёда тинчлик бўлмайди». Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тараққиёт дастурининг буюртмасига биноан 1994 йилда тайёрланган ва эълон қилинган маърузанинг асосий мазмунидир. Унда ижтимоий соҳада инсон ҳуқуқларини кафолотлаш концепцияси акс этган. Тараққиёт дастурининг маърузасини муҳокама қилиш БМТнинг Тошкентдаги ваколатхонасида бўлиб ўтган журналистлар билан учрашувнинг мавзуси бўлди. Унда халқаро валюта жамғармаси вакили Иштван Сзалкай, Ўзбекистон ва бошқа мамлакатларнинг мутахассислари иштирок этишди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакилининг ўринбосари Лорейн Раффинг журналистларга дастурнинг асосий мазмуни ҳақида сўзлаб берди. Маърузада айтилишича, ҳар бир фуқаронинг иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиниши, соғлиқни сақлаш хизматидан фойдалана олиши, экология талабларига риоя этиши, сиёсий ва шахсий ҳавфсизлигининг таъминланиши ижтимоий барқарорликни таъминловчи омиллар қаторига киради. Бу ёндашув, деди Лорейн Раффинг, Ўзбекистон раҳбариятининг аниқ ижтимоий йўналишдаги сиёсатига тўла мос келади.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам дўстлар!

Аввало, сизлар билан, Ўзбекистон фани ва келажаги учун катта хизмат қилаётган, эл-юрт орасида таниқли ва ардоқли инсонлар билан учрашганимдан бениҳоя мамнун эканимни изҳор этишга, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, мамлакатимиз равнақи йўлида қилаётган меҳнатингизда омад ва янги зафарлар тилашга ижозат бергайсиз.

Маърузани бошлашдан олдин, кейинги сайловда менинг камтарона хизматларимни юксак баҳолаб, Фанлар академияси каби улуғ ташкилот аъзолигига якдиллик билан номзодимни тасдиқлаганингиз учун сизларга чин қалбимдан самимий миннатдорлик изҳор этаман. **Бу мен учун катта ишонч ва буни мамлакатда ўтказилаётган сиёсатни илму фан аҳли қўллаб-қувватлаётгани белгиси деб биламан.**

Одамзод ҳаётида шундай қувончли воқеалар бўладики, улар ҳеч қачон унутилмайди, умрбод ёдда сақланади, унинг авлодлари томонидан ҳам фахр билан тилга олинади. Ана шу маънода академиклик илмий унвонига сазовор бўлишимни — менга ишонч билдирган атоқли олимларимиз олдида узилмас қарз, деб тушунаман.

Сизлар — зукко илм аҳли билан учрашиш, ҳаётимизда рўй бераётган тарихий воқеалар, **бошимиздан ўтаётган катта-катта муаммолар, уларни ечишга қаратилган режалар, дастурлар ва ҳаракатлар ҳақида фикр алмашиб, сизлардан маслаҳат олиш, керак бўлса, мадад олиш ҳар қайси раҳбарнинг вазифаси, деб ҳисоблайман.** Негаки, бу маслаҳатлар инсонга қувват бағишлайди, иродасини тоблайди.

Албатта, сизлар давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлардан хабардорсиз. Бугунги ҳаётимизни ҳам яхши биласиз. Шу сабабли, мен энг муҳим масалалар билангина чекланмоқчиман.

Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсат хусусида гапирар эканмиз, мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ўзгариш— дунё ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирганимиз бўлди. Ўзбекистон давлати ундан ўзининг муносиб жойини эгаллади. 130 дан ортиқ давлат билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Дунёнинг энг йирик ва энг нуфузли давлатларининг элликдан ортиқ элчихонаси пойтахтимиз Тошкентда фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг салоҳияти, унинг порлоқ келажаги ҳамма тарафидан тўлиқ эътироф қилинмоқда ва очиқ тан олинмоқда. Дунёда Ўзбекистонни билмаган давлат қолмади, деб айтсак, ҳеч муболаға бўлмайди.

Қолаверса, Ўзбекистон бугун Марказий Осиё минтақасида нафақат жуғрофий, балки ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан марказий ўрнини эгаллади. Бу ҳақиқатни фақатгина қўшиларимиз эмас, балки бизнинг бугунги сиёсатимизни кузатиб турган узоқдаги давлатлар ва уларнинг раҳбарлари ҳам тан олянти.

Мамлакатимизнинг ташқи дунё билан сиёсий ва иқтисодий алоқалари кун сайин ривожланиб бормоқда. Мана, шу йилнинг олти ойини олиб қарайлик. Шу вақт мобайнида Хитой Давлат Кенгашининг Раиси Ли Пэн, Франция Президенти Франсуа Миттеран, Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам жаноблари Ўзбекистон меҳмони бўлди. Ўзбекистон давлат делегациялари, эса Ҳиндистонда, Японияда ва Туркияда бўлиб қайтди.

Расмий, норасмий музокара ва учрашувлар чоғида кўплаб халқаро масалалар, ўзаро сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳамкорлик масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Ўнлаб муҳим ҳужжатлар имзоланди. Чет эллиқ ҳамкорлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали йирик лойиҳалар тузилди ва амалга ошира бошланди.

Ўзбекистоннинг кейинги 2—3 йил мобайнидаги халқаро фаолияти, имзоланган муҳим халқаро ҳужжатлар, жаҳондаги энг йирик, нуфузли давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатилиши, мамлакатимизга оқиб келаётган йирик сармоялар давлатимизнинг, ҳақиқатан ҳам, келажаги буюк, деб комил ишонч билан гапиришга асос бўла олади.

Ҳам ташқи, ҳам ички сиёсатимиз, ҳаракатларимизнинг асосий мақсади — халқимиз манфаатларини ўйлайдиган, унга фаровонлик ва эркинлик ато этадиган адолатли демократик жамиятни барпо этишдир. Халқимиз, жамиятимиз қўллаб-қувватлаган мана шу йўлда кейинги икки-уч йил давомида қандай ишлар амалга оширилди?

Энг аввало, халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариб, ўзимизнинг мустақил давлатчилигимизни шакллантирдик. Мустақил, озод, суверен давлатнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Мамлакат Конституцияси, давлат ва жамиятнинг мақсад ва вазифаларини белгиловчи ва йўлга солиб турувчи бир қанча қонунлар қабул қилинди.

Ижтимоий муносабатларнинг жамиятимиз учун мутлақо янги асослари, хусусий мулк ва кўп укладли, дунё сари юз тутган очиқ иқтисодиёт пайдо бўлмоқда ва ривожланмоқда.

Жаҳондаги энг илғор тажрибани инобатга олган ҳолда, бозор муносабатларига хос янги иқтисод, молия, банк-кредит, тижорат тизимлари барпо этилянти.

Биз эски мустабид, маъмурий-буйруқбозликка асосланган тақсимотчилик тизимидан воз кечдик. Ягона мафкурачилик, ҳаётнинг барча соҳаларида КПССнинг мафкуравий тазйиқи ва эўравонлигини йўқотдик, янги тарихимиз, ҳаётимиз саҳифаларини очдик.

Буюк аждодларимизнинг беқиёс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик. Динимиз ва тилимизга қайтдик, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, хуллас, инсон маънавиятига дахлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростлаянти. Одамларда ўзлигини англаш, миллий ғурур, орият, ўтмишдан фахрланиш, порлоқ келажакни барпо этишни ўз қўлимизга олганимиздан ғурурланиш каби туйғулар камол топянти, уларнинг бугуни ва эртанги кунга ишончи ортиб боряпти.

Ўз олдига демократик давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этишни мақсад қилиб қўйган давлат, жамоат ташкилотлари ва тизимлари шакллانмоқда.

Мамлакатимизнинг дунё иқтисодиётига интеграцияси кучайиб, чет эллик сармоя эгаларининг Ўзбекистонга қизиқиши ва улар олиб келаётган инвестициялар ҳажми кенгаймоқда.

Энг муҳими, кишиларнинг дунёқараши, меҳнатга муносабати, меҳнатни рағбатлантириш манбалари, сабаблари, ҳаётга муносабати ўзгармоқда, улар демократик давлат ва бозор иқтисодиёти қадриятларига нўпроқ доҳил бўлмоқдалар.

Янги валютага — миллий пулимизга ўтишимиз ҳаётимизда катта тарихий воқеа бўлди. У тақдиримизда ўчмас из қолдиради, келажагимизда улкан аҳамият касб этади. Энг муҳим вазифа — ана шу миллий валютамизнинг кучини, қудратини, харид қобилиятини белгилаш, унинг жаҳон миқёсидаги ўрни, обрўсини жойига қўйишдир. Шу мақсадда зарур дастурлар амалга оширилянти. Бу борадаги биринчи вазифа — унинг ички конвертациясига эришишдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, муддао ва мақсадимиз аниқ. Шу мақсад ва муддоаларга эришиш учун пухта ишланган дастурларимиз ва амалга оширилган ишларимиз, ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўл-сиёсатимизнинг халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиши — бизнинг энг катта ютуғимиздир. Халқимиз мамлакат олдида турган вазифаларни қанчалик самимий қабул этса, уларни ўзларининг хусусий манфаатлари билан чамбарчас боғласа, шу мақсадларни амалга оширишга бел боғлаб ҳаракат қилса, бунинг ҳосили — самараси ҳам шунчалик тез кўзга кўринади.

Яна бир бор таъкидлаб айтаман, халқнинг келажакка ишончи энг катта куч, энг катта бойлик, истиқлолнинг энг буюк гаровидир. Барча режаларни амалга оширувчи, тақдиримизни ҳал қилувчи мана шу омилдир.

(Давоми иккинчи бетда).

ИЛМУ ФАН МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана шу билдирилган, зикр этилган фикрларнинг маъноси ва аҳамияти жуда катта деб ўйлайман. Агар мендан, бугунги ҳаётимиздаги аниқ сиёсатимизни ўтказишда энг оғир муаммо нима, деб сўралса, аввало, шу сиёсатни ҳаётга тадбиқ қиладиган ва шу сиёсат учун, керак бўлса, жонини фидо этадиган раҳбарларни, жонкуяр ижрочиларни топиш, деб жавоб берган бўлур эдим. Энг муҳим вазифа — шундай одамлар сафини кенгайтириш, ҳар қайси соҳада, бошқарувда, тармоқларни идора этишда, вилоят, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда ана шундай фидойи ва жонкуяр одамларни топиб, жой-жойига қўйишдан иборатдир.

Бу масаланинг бугунги ҳаётимизда аҳамияти ортиб бораётгани, алоҳида ўрин тутаётгани бежиз эмас.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: 70—75 йил давомида бизга бутунлай бошқача тарбия берилган. Кўпчилик фаолларимизнинг ҳам суяги ўша тарбия билан қотган. Биз энди янгича фикрлайдиган, замонавий талаблар асосида ишлайдиган кишиларни тарбиялашимиз, вояга етказишимиз зарур.

Яқин ўтмишимизга танқидий кўз билан қараб, ижобий ишларни саралаб олиб, бугунги кунга мос келмайдиган ва йўлимизга тўсиқ бўладиган ишлардан ва сиёсатдан воз кечишимиз лозим.

Албатта, эски сиёсатдан воз кечиш жуда осон. Аммо янгича сиёсат юритиш, янгича фикрлаш — ғоят мураккаб ва бу бир кунда ҳал бўладиган иш эмас. Бунинг учун анча вақт ва катта масъулият керак. Замон олдида, халқ олдида, жамият олдида масъул эканимизни ҳар дақиқа теран ҳис этиб турмасак бўлмайди.

Шунинг учун ҳам, жамиятни ислоҳ этишда янгича, замонавий фикрловчи кишиларга таянишни мен ҳал қилувчи омил деб ҳисоблайман. Бу масаланинг ҳаётимизнинг барча тармоқларига, шу жумладан, илму фан соҳасига ҳам бевосита даҳли бор.

Муҳтарам дўстлар!

Бизда келажакка катта умид ва ишонч бор. Ўзбекистон келажакда буюк давлат бўлади, деган сўзлар дабдабали шиор эмас, балки теран ўйлаб, пухта ҳисоб-китоблар негизида чиқарилган асосли ҳулосадир.

Биринчидан, бизда буюк тарих ва буюк маънавий мерос бор. Халқимиз ва давлатимизнинг тарихий илдизлари ғоят чуқур, қурилаётган муҳташам иморатимизнинг пойдевори жуда бақувват. Буюк маданиятга эга бўлган миллатнинг истиқболга умид билан қараши мутлақо табиий ҳолдир.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг беҳисоб ер ости ва ер усти бойликлари, табиати, иқлими қулай экани ҳам шундай хулоса чиқаришга имкон беради.

Учинчидан, меҳнаткаш, ғайратли, бунёдкор халқимиз бор.

Лекин яна бир буюк хазинамиз борки, бу — мамлакатимизнинг **интеллектуал салоҳияти,** ақлий бойлигидир. Бу бойлик бизга ўтмиш аждодларимиздан мерос бўлиб қолган. Сиз, муҳтарам олимларимиз, ана шу буюк бойликнинг ворислари-сиз.

Республика мустақиллиги ва келажаги ҳақида гапирадиган бўлсак, бу, энг аввало, мамлакатимиздаги интеллектуал бойликдан оқилона фойдаланишимизга боғлиқ экани аён бўлади.

Ақлий меҳнат туфайли тараққий топган давлатларни олиб қарайлик, Япония ёки Жанубий Кореянинг бизникидек улкан табиий бойликлари борми? Йўқ. Лекин дунёнинг энг илғор технологияси ана шу мамлакатларда жойлашган. Мен бу икки давлатнинг бугунги бойлиги ва тез ривож топиши, энг нуфузли ва энг қудратли давлатлар сафига кириши сабабларини, аввало, шу жамиятнинг, шу халқларнинг ўз интеллектуал бойлигидан оқилона фойдаланиши, бу мамлакатларда яшаётган инсонларнинг ўз бурчига, ўз вазифасига виждонан ва масъулият билан қарашида, деб биламан.

Ўз тарихи, ўз меросига юксак ҳурмат, шу билан бирга, жаҳондаги энг катта хазина ҳисобланмиш интеллектуал салоҳиятни ўз ҳаётида, ўз иқтисодида мужассамлаштириш — ана шу давлатларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий бойлиги асосини ташкил этади, деб айтсак, янглишмаган бўламиз.

Лекин бир ҳолни очиқ айтишимиз керак. Япония ва Жанубий Корея тажрибасини, ҳаётини ўрганяпмиз. У ерга фаолларимиз ва мутахассисларимиз бориб келяпти. Уларнинг вакиллари ҳам юртимизга тез-тез келиб турибди.

Шундай бир табиий савол туғилади: ўзгаларнинг, жумладан, Япония ва Жанубий Корея тажриба-хулосаларини билиб-кўриб туриб, нега ўз интеллектуал бойлигимизга бошқача кўз билан қараймиз? Нега шу бойликдан тўғри фойдаланмаймиз?

Буни энг катта қамчилик, бепарволик ва саёз фикрлашнинг яққол тасдиғи деб тушунмоқ керак.

Қани, айтинглар: академияда тўпланган илмий потенциални, мамлакатдаги илмий салоҳиятни, ҳеч бўлмаса, назарий жиҳатдан бирор-бир киши ҳисоблаб чиқканми? Шунинг аниқ ва тўлиқ ҳисоб-китоби борми?

Ахир, Ўзбекистонда дунё кашфиётларидан хабардор, айни пайтда дунё кашфиётларига муносиб ҳисса қўшган олимлар кам эмас. Тўғри, Россия, Украина ва Белорусда йирик илмий мактаблар мавжуд. Лекин Ўзбекистон илмий салоҳиятининг айрим фан соҳаларида улардан қолишадиган жойи йўқ, деб ўйлайман.

Бизнинг яна бир устунлик тарафимиз шуки, катта билим ва тажриба эгалари, баъзи мамлакатлардагидек, чет элларга кетиб қолаётгани йўқ. **Олимларимиз Ватанга хизмат қилишга доимо тайёр.** Уларда Ватан туйғуси барча нарсадан устунроқ. Мен бирорта йирик олимимизнинг четга кетиб қолганини билмайман. Бундан фахрланиш керак, азиз биродарлар! Мен буни миллатнинг нуфузи, буюк фазилати, деб ҳисоблайман.

Муҳими — мавжуд илмий потенциалдан фойдаланиш, шу потенциални тезроқ ишга солиш. Гапнинг рости, кейинги 3-4 йилда бу масалалар ечилиши уёқда турсин, умуман, у давлат назоратидан четда қолди. Аҳвол жиддийлашиб кетди. Буни очиқ тан олишимиз керак.

Албатта, масаланинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Масаланинг объектив томони шундаки, тўпланиб қолган муаммолар бугун бошимиздан кечаётган умумий инқироз билан боғлиқ. Чунки фан ҳам мамлакатимиз сингари собиқ Иттифоқ таркибида эди. Айтмоқчиманки, мавжуд муаммоларни биргина академиянинг фожиасига айлантирмасдан, уларга умумий инқироз доирасидан туриб қарашимиз лозим. Ана шунда унинг объектив сабабларини тўғри англаймиз, тўғри таҳлил қиламиз ва бу соҳадаги олдимизда турган муаммоларни ечиш йўлини топишимиз мумкин.

СССР даврида Фан ва техника комитети бўлиб, у фанга буюртмалар берар ва маблағ билан таъминлар эди. Академия эса жорий иқтисодий муаммолар хусусида бош қотирмасдан, йирик илмий лойиҳалар ва дастурлар устида ишлар эди.

Энди бугунги аҳволимизга бир назар ташласак. Республикада собиқ Госплан ўрнига Истиқболстат деган ташкилот тузилди. Бу ташкилот мамлакатнинг истиқбол режаларини белгилаб бериши керак эди. Республика истиқболидан келиб чиқиб, устивор йўналишларга боғланиб, қисқаси, давлатимизнинг тараққиёт стратегиясини инобатга олиб, илму фан, техника олдига, жумладан, академия олдига ҳам аниқ давлат буюртмаси — закази бериши, ана шу буюртмага қараб академия институтларига етарли маблағ ажратилиши керак эди. Амалда эса, аҳвол мутлақо бошқача.

Фан соҳасидаги сиёсатга келсак, узоқ муддатни кўя турайлик, ҳатто 5—10 йилга мўлжалланган оддий бир стратегия ҳам йўқ. Демак, олимлар ўз билганларича ишлаяптилар. Лекин бундай тарқоқ тадқиқотлар самарасиз бўлиши табиий. Илмий йўналишлар орасида узилишлар юзага келган. Натижада ҳар ким ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ҳар ким ўзича ишлаяпти.

Режалар аниқ қўйилмаган, бунинг устига, ташкилотчилик ва талабчанлиқ паст бўлган жойда ҳар хил эътироз ва тушунмовчиликлар пайдо бўлиши муқаррар.

Умуман, фикримча, академия тизимидаги барча норозилик ва келишмовчиликлар турли гуруҳларнинг пайдо бўлишидан, режалаштириш ва маблағ тақсимлашдаги хатолардан келиб чиқади. Адолат бузилган жойда норозилик кучайиши табиий.

Энди мамлакат Фан-техника давлат қўмитаси хусусида тўхталсак. Бу ташкилотни биз катта орзу-умидлар билан тузган эдик. Орадан анча вақт ўтди. Бироқ у ҳақиқий давлат идораси даражасидаги нуфузга эга бўлолмади. Бу ерда ўтирган мансабдор олимлар фан соҳасида давлат сиёсатини белгилаш ўрнига, мавжуд давлат буюртмаларини ўзларига яқинроқ бўлган олимларга бериш билан овора бўлди. Майда манфаатлардан воз кечиб, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларни кўзлаш, Ўзбекистон илм-фани ва техникаси тараққиёти билан шуғулланиш ҳозирча Фан-техника қўмитаси қўлидан келмаяпти.

Ўйлайманки, Фанлар академияси Фан ва техника давлат комитети билан ҳамкорликда илмий-техникавий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, янги изланишларни йўлга қўйиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида ҳамкорликни ташкил этса, аҳвол ўзгариши мумкин. Акс ҳолда улар ўртасидаги жарлик қанчалик чуқурлашса, ислоҳотларимизга шунчалик зарар етади.

Биз кучларни бирлаштирмасак, илмий изланишлар самарадорлигини оширмасак, илмий муассасаларда соғлом ижодий муҳитни барқарор қилмасак, эришган ютуқларимизни мустаҳкамлай олмаймиз. Халқимизнинг олимларга, зиёлиларга азалдан меҳр-муҳаббати беқиёс. Улар билан фахрланиб юради.

Ўзбекистоннинг келажаги тўғрисида ўйлаганимизда, уни Фанлар академиясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Академия эса миллат фахри, мамлакат обрў-эътиборининг рамзига айланиши керак.

Мамлакатимизнинг турли вилоятларида ҳар хил даражадаги илмий муассасалар фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз минтақаларида мавжуд бўлган муаммоларни ўрганиш ва шу минтақа тараққиётига боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш билан шуғулланмоқда. Ана шу минтақавий илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги номутаносибликни ҳам бартараф этиш алоҳида эътиборни талаб қилади.

Минтақаларда мавжуд илмий ташкилотлар, олий ўқув юртлари ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш яхши самара беришини унутмайлик.

Академик фанни ривожлантириш қанчалик зарур эканини ҳаммамиз тушунамиз. Агар давлат ўз манфаатини кўзлаб, илму фан тараққиётининг аҳамиятини тўғри англаса, ўз бюджетидан керакли ҳажмдаги маблағни ажратиб бериши даркор.

Модомики, мустақиллик, истиқлол тақдири илмий-техника тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ экан, илму фан аҳволига ва келажагига бефарқ қарай олмаймиз. Республикамизнинг кучли илмий ва техникавий салоҳиятини назарда тутсак, халқ хўжалигининг барча тармоқларига даҳлдор бўлган илмий йўналишларни янада аниқроқ белгилаб олишимиз талаб этилади.

Дунё тажрибаси кўрсатиб турибдики, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда фан ва техникани тараққий эттиришда аввало бу соҳани давлат томонидан бошқариш ва кўмак бериш муҳим ўрин тутади.

Лекин, шу билан бирга, биринчи навбатда фундаментал, назарий тадқиқотлар — изланишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, махсус академик жамғарма ташкил этиш керак деб ўйлайман. Унинг маблағлари ҳам миллий, ҳам қадри баланд хорижий валютадан иборат бўлиши керак.

Албатта, асосий кўмак давлат томонидан берилади. Лекин мамлакатимизнинг йирик концерн ва уюшмалари, масалан, «Ўзбекнефтгаз», «Ўзмевасабзавотузмсаноат», «Ўзбекенгилсаноат» каби бадавлат ташкилотлар ҳам бу жамғармага ҳомийлик қилади, деб ишонамиз.

Жамғармани бошқариш ва ундаги маблағларни тақсимлаш Фанлар академияси президиумига топширилади. Унинг ҳайъатини тузиш ҳам президиум ихтиёрига берилади. Ўйлайманки, бундай махсус жамғарма жуда кўплаб илмий муаммоларни ечишда фаол кўмакчи бўлади.

Азиз дўстлар!

Табиийки, биз бугунимизни ҳам, келажагимизни ҳам фан-техника тараққиётисиз тасаввур эта олмаймиз. Жаҳон цивилизациясига даҳлдор бўлган энг замонавий илмларни эгалламай туриб мамлакат тараққиётини таъминлаш қийин. Шунинг учун ҳам бугун сиз билан академия ва унинг фаолиятига доир масалалар ҳақида очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз зарур, деб ўйлайман.

Биринчи навбатда, илму фаннинг, академиянинг ривожи ва ўсишига тўсиқ бўлаётган баъзи субъектив сабаблар ҳақида, академияни, унинг институтларини бошқариш, бу борадаги тушунмовчиликлар, баъзан пайдо бўлаётган зиддиятлар ҳақида ҳам гаплашиб олсак.

Бир ҳақиқатни барчамиз теран англаб етишимиз керак: давлат, жамият ва жамоа манфаатларини ўз шахсий манфаатларимиздан устун қўймасак, ишимиз олга силжимайди ва баракаси бўлмайди.

Ўзбек фани, ўзбек техникасининг оламшумул обрў-эътибори барча шахсий иқирчиқирлардан, майда-чуйда гаплардан, ўзаро келишмовчиликлардан юқори туриши лозим.

Таассуфки, ҳозиргача ҳам бир-биридан аразлашиш, бир-бирининг йўлини тўсиш каби ҳолларни учратиш мумкин.

Бугунги йиғилишдан муддао камчиликларни очиб ташлаш, бир-биримизни фош этиш эмас, балки масалага холислик билан ёндашиб, академия фаолиятини тубдан ўзгартириш, юз берган инқироздан чиқиб олиш йўлларини излашдан иборатдир.

Умуман, Фанлар академияси шундай бир даргоҳки, у ўзига нисбатан алоҳида ёндашувни талаб этади. Унга ишлаб чиқариш корхонаси эмас, илмий тафаккур, ихтирочилик ва яратувчиликнинг йирик маркази сифатида ёндашиш ҳамда ҳар бир олимнинг ўзига хос эҳтиёжидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш тақозо этилади.

Ҳар бир олим — ўзига хос бир дунё. Илмий ишни ҳеч қачон буйруқ, топшириқ ва кўрсатмалар билан бажариб бўлмайди. Умуман илму фанни ҳеч қачон қолипга солиб бўлмайди. Унинг ўзига хос ривожланиш қонуниятлари борки, биз буни албатта, инобатга олишимиз керак.

Мамлакат тараққиётида фундаментал фан муҳим ўрин тутади. Бу борада, яъни фундаментал фанни ривожлантириш учун Фанлар академиясида яхшигина тажриба ва имкониятлар бор.

Агар фанни улкан бир дарахт деб тасаввур қилсак, фундаментал тадқиқотлар унинг илдизини ташкил этади. Зеро, илдиз қанчалик бақувват, чуқур кетган бўлса, дарахт шунчалик барқ уриб яшнайди, кўп ҳосил беради.

Мамлакатимизда фундаментал тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, узоқни мўлжаллаб, олис истиқбол тараққиётини кўзлаб иш тутиш лозим. Фундаментал фанга умид билан қарашимиз, унга кенг йўл очиб беришимиз даркор.

Мисол тариқасида бўлсада, пахтачилигимиз келажаги учун генетик олимларимизнинг қўшган ҳиссаси ва шу фаннинг аҳамиятини таърифлашга зарурат йўқдир.

Замон қишлоқ хўжалигида, жумладан, пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, пиллачилик ва бошқа соҳаларда, айниқса, мелиорация ва ирригация, тупроғимизнинг унумдорлигини ошириш бобида мавжуд изланишларнинг натижаларини, агротехника ва агробиологик усулларни жиддий ўзгартиришни, жаҳоннинг энг илғор тажрибаларини қўллаб-қувватлашни ва жорий этишни тақозо қилмоқда.

Деҳқончилик ва умуман ишлаб чиқаришни фан негизида, айниқса, назарий, фундаментал фан асосида қайта қуроллантирмас эканмиз, мамлакат тараққиётини тезлаштиришимиз амримаҳол.

Яхши биламизки, илму фан даргоҳларида, жумладан, академия институтларида энг оқсоқ ва энг ночор жой, энг ечилмаган муаммо, бу — илмий-тадқиқотлар натижаларини ҳаётга татбиқ этишдир.

Бу масалани ҳал этишда олимларимиз зиммасига ҳам худо берган иқтидори билан кашф этишни, ҳам шу кашфиётларни амалга оширишдек икки вазифани баробар юклясак, ўта адолатсизлик бўлур эди.

Очиқ айтиш керак: илгари ишлаб чиқариш соҳаси, корхоналар илму фан, илмий тадқиқотлар натижаси билан мутлақо қизиқмасди. Илмий кашфиётларни излаш, уларни дунёнинг бирор бурчагидан топиб келиб амалда қўллаш, унинг ортидан фойда кўриш эски ишлаб чиқариш тизимига мутлақо ёт эди. Нега деганда, рақобат бўлмаган, бақимандалик, давлат ҳисобидан кун кўриш қайфияти устун бўлган жойда бундай илғор тартиб ва ёндашув мутлақо бўлмаслиги табиийдир.

Оқибатда илму фан билан ишлаб чиқариш ўртасида жуда катта узилиш, жарлик пайдо бўлди. Зиддиятнинг асосий сабаби ҳам шунда.

Бу масалани ечмасдан, ишлаб чиқаришда банд бўлган фаоллар ва жамоаларни илму фан тараққиётига қизиқтирмасдан илмий изланишлар натижаларини ҳаётга татбиқ этишни ҳал қилиб бўлмаслиги аён ҳақиқатдир.

Бугун академия институтларида, жумладан, техник ва табиий фанлар соҳасида изланишлар олиб борадиган физика, химия, биология, геология, математика, механика ва бошқа институтларда жорий этилишини кутиб турган илмий ишларни танқидий кўз билан қараб чиқиш зарур. Уларнинг ҳаётга жорий этилмасдан қолиб кетишига давлатимиз иқтисодига зиён етказувчи заиф жойимиз деб қарасакгина, иш жойидан силжийди.

Яна бир гап: олимларимиз, биринчи навбатда, ижтимоий фан вакиллари олдида турган улкан вазифалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қарор топтиришдек улуғ орзу-умидлар билан яшар эканмиз, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас.

Кимки, миллатни ўзига қарам қилмоқчи бўлса, аввало унинг маданиятига чанг солади.

Ислом динимизнинг муқаддас мероси — фалсафа илмини, хусусан, Шарқ фалсафасини теран ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадриятларимиз илдизларини жонлантириш, яқин ўтмишимиздан қолган мафкурадан халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар синовидан ўтган, улуғ аждодларимиз бизга қолдирган миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий-умумбашарий руҳ билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир.

Тарихчи олимларимиз томонидан олти жилддан иборат «Ўзбекистон тарихи»нинг яратилиши, темурийлар даври ва маданиятига доир кўплаб рисолаларнинг вужудга келиши халқимиз маданий ҳаётида катта воқеадир. Бу асарлар ҳозирги замон тарихий жараёнларини ўрганишга бўлган эҳтиёжни қанчалик қондирса, янги тадқиқотларни давом эттиришни ҳам шунчалик тақозо этади.

Тилшунослик соҳасидаги илмий изланишлар, авваламбор, ўзбек тилига давлат тили мақоминнинг берилиши ва унинг қўлланиш соҳасининг анча кенгайтирилгани, халқаро муносабатларда ишлатиладиган тиллар қаторига киритилиши кейинги йилларнинг бу борадаги улкан ютуғидир. Шу муносабат билан мамлакатда Атамашунослик қўмитаси тузилди. Бир қанча луғатлар чоп этилди. Ўзбек тилининг лотин ёзувига асосланган орфографик қоидалари ишлаб чиқилди.

Мустақилликнинг ўтган уч йили мобайнида ижтимоий фанлар соҳасида, айтиш мумкинки, бирмунча ютуқлар қўлга киритилди.

Бироқ шиддат билан ўсаётган халқ онги, тобора кенгайиб бораётган дунёқараши олис ўтмиш, бугун ва келажакка бўлган қизиқиши мазкур соҳани тубдан ривожлантиришни, унинг фаолият доирасини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Маънавият ва маърифат, маданият ва ахлоқ ҳақидаги асарларни кўплаб чоп этиш, айниқса маданий мерос билан бирга янгиланаётган бугунги турмуш тарзини ва янгича тус олаётган жамиятимиз мазмунмоҳиятини теранроқ ёритиш, кенгроқ ўрганиш муҳимдир.

Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт — жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир. **Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак.** Бундай инсонни тарбиялаш эса ижтимоий фанимизнинг муқаддас бурчидир.

Ўз ишини ақл билан, тушуниб бажарадиган кишида меҳнатидан фахрланиш, ҳаётидан завқланиш туйғуси кучли бўлади. Ана шундай одамларни тарбиялашимиз, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ана шундай туйғу билан яшашга эришишимиз керак.

Иқтисод фанлари соҳасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. Биз иқтисодиётни ривожлантиришда ўз йўналиш ва йўлларимизни бирмунча аниқлаб олдик. Ҳозиргача эришган ютуқларимизга жаҳон жамоатчилиги юқори баҳо бермоқда. Бироқ бу билан кифояланса, орқада қолиб кетишимиз шубҳасиз.

Тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланишимиз лозим. Бироқ бу тажрибаларга кўр-кўрона ёндашмасдан, ўзимизнинг миллий эҳтиёжларимиздан ва маҳаллий имкониятларимиздан келиб чиқиб, энг мақбул шаклларини танлаб олишимиз даркор.

Лекин шуни очиқ таъкидлаш керакки, иқтисодиёт фани ҳам ҳали жамият тараққиётидан бирмунча орқада қолаётир.

Фанлар академияси иқтисод илмида, иқтисодий йўналишлар ва йўриқлар ишлаб чиқишда ўз имкониятларини тўла кўрсата олмаяпти. Шундан тегишли хулосалар чиқариш керак, деб ўйлайман.

Фан тараққиёти ҳамма вақт ёш авлодга таянади. Олимнинг нуфузи эса ўзига шогирд тайёрлаш, муносиб ўринбосар етиштириш билан ҳам баҳоланади. Академияда ана шу оддий ақидалар унутилган кўринади. Ёши улуғ олимлар билан ёшлар ўртасида узилиш пайдо бўлганга ўхшайди. Кўплаб янги ғоялар, янги фикрлар тўсиққа учраб, ёш муаллифларнинг қалбида сўниб кетмоқда.

Бунга сабаб нима? Ким ёки нима истеъдодли, катта ишонч ва умид билан меҳнат қилаётган ёш олимларимизнинг ўсишига, уларнинг тан олинишига халақит бераяпти?

Бу табиий саволларга жавоб топишимиз даркор. Мана шу анжуманда давлатимиз, халқимиз илму фанимизга катта меҳнати сингган, номини жамоатчилик катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладиган устоз алломалар — академикларимиз ўтирибди.

Уларнинг жамиятимиз учун қилган меҳнатларини юксак баҳолаймиз ва қадрлаймиз. Устозларнинг бой тажрибаларидан, илмий ғояларидан озиқланган ёш олимларимиз ҳам улар билан фахрланиши, меҳнатидан руҳланиши лозим.

Бу масалани ечиш учун академиядаги эскириб қолган баъзи бир қоидаларни ва одат тусига кирган айрим тартибларни ўзгартириш вақти келди, деб ўйлайман.

Бугунги кунда ўз илмий изланишлари билан илму фан аҳли орасида танилган, ўз ишлари билан яқин ва узоқ мамлакатларда катта обрў топган ёш олимларимизни академия аъзолигига қабул қилсак ва уларга ишлаш учун тегишли шароит яратиб берсак, бу ўзбек фани ва унинг келажаги учун жуда олижаноб иш бўлур эди.

Агар бизнинг миллат фанини ривожлантириш, мамлакатимизни илғор давлатлар қаторига қўшиш ниятимиз бўлса, жамжиҳатлик билан ишлашимиз керак. Бир ёқадан бош чиқариб, қўлга киритган ютуқларимизни мустаҳкамлаб, маънавий етуклигимизни намоён этишимиз лозим.

Бизда ҳали-ҳануз эски замондан қолган бир камчилик мавжуд: академияга вазирлик сифатида қарашга ўрганиб қолганмиз. Масалага расмиятчилик билан қараш оқибатида ҳатто вазирликларда штат қисқариши ҳақида гап кетса, Молия вазирлиги академияга: «Ҳайъат аъзолари фалонтага қисқарсин», «Вице-президентлар фалонта бўлсин!» деган буйруқларни юборишга одатланиб қолган.

Еки бугунги аҳволни олиб қарайлик. Ижтимоий фанлар бўлимида 12 соҳа фанларини бирлаштиришни қандай тушуниш мумкин? Яна бир мисол: Ўзбекистонимизнинг истиқболини белгилайдиган икки муҳим соҳа — химия ва химиявий технология бўлими билан геология ва кончилик бўлимлари бирлаштириб қўйилганини қандай баҳоласа бўлади?

Бир ҳолни қиёслаб кўрайлик. Геология вазирлигида 11 нафар, енгил саноатда эса 15 коллегия аъзоси бор. Айни вақтда нега Фанлар академиясида фақат 9 та президиум аъзоси бўлиши керак? Ахир, академия ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиши лозим-ку!

Фикримча, академиянинг нуфузини кўтариш, унга кўпроқ ҳуқуқ бериш керак. Академия нафақат ўзидаги, балки бутун мамлакатдаги фан масканларига ўз таъсирини ўтказиши лозим.

Бугунги кунда академия бўлимларида деярли ҳуқуқ йўқ. Умуман, президиум аъзолари, аввало, етакчи олим, кейин эса амалдор бўлиши керак.

Президиумнинг бўлажак таркибига худди шу нуқтаи назардан қараш зарур. Президиумга амалдорлар эмас, ҳақиқий олимлар аъзо бўлиб, келажак учун жон куйдириб хизмат қилсин.

Президиум аъзолари доимий бўлиши шарт эмас. Бу ерда ҳам, айтайлик, ҳар икки йилда аъзоларнинг маълум қисми алмашса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Президиум бутун коллектив фикрини ифода этмайдиган бўлиб қолганга ўхшайди. Янги президиум илму фан жамоатчилиги фикрини одилона ифода этувчи холис ва объектив идора бўлиши зарур. Президиумга энг етук фан соҳиблари йиғилиши талаб этилади.

Президиум билан институтлар ўртасидаги алоқа жипс бўлиши шарт. Шу нуқтаи назардан қараганда, кўпчилик олимларнинг фикрича, академиянинг низоми кўп жиҳатдан замон талабларига жавоб бермайди.

Бир ҳолга эътибор беришимиз керак. Ҳозирча ҳақиқий аъзолар билан мухбир аъзолар ўртасида узилиш борлиги ҳақида фикрлар мавжуд. Шуни инобатга олиб, кейинги сайловда ҳақиқий аъзолар сонини кўпайтиришни назарда тутиш зарур, деб ўйлайман.

Яна бир мулоҳаза: ҳақиқий аъзоликка номзодларнинг барчаси мухбир аъзо бўлиши шарт эмас. Ўз соҳасининг энг етук вакиллари бўлган фан докторларининг номзодларини ҳам олға суриш керак. Ана шундагина Фанлар академияси ёшаради, кучлироқ ва ғайратлироқ бўлади.

Менимча, янги сайланган президиум аъзоларига академия низомини ва йил охирида ишлаб чиқиш ва йил охирида уни қабул этиш вазифаси топширилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Муҳтарам дўстлар, биродарлар!

Илмда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик, туғилган янги ғояларни вақтида тўғри баҳолай билиш, энг мақбул ва самарали ғояларни қўллаб-қувватлаш олий фазилатдир. Бу — ижод кишисининг нуфузини оширадиган, уни обрў-эътиборли қиладиган ноёб имконият.

Бугун академиямиз ва унинг тақдири билан боғлиқ бўлган масалалар хусусида фикр юритдик. Мамлакат тараққиётида ва ислоҳотлар самарадорлигини оширишда фан-техниканинг муҳим ўрни ҳақида гаплашиб олдик. Эндиги вазифа ҳаммамиз бор иқтидоримизни, истеъдодимизни, куч ва ғайратимизни миллат шаъни ва мамлакат шавкатини ошириш йўлида сафарбар этишдан иборат.

Умид қиламанки, олимларимиз улуғ аждодларимиз васиятларига амал қилиб, ворисларга хос иш тутадилар. Янги-янги ихтиролар билан мамлакатимиз шуҳратига шуҳрат қўшадилар. Ана шу масъулиятли, машаққатли ва шарафли ишда ҳаммангизга куч-қувват, жўшқин илҳом, кашфиётларингизга омад тилайман.

Партия ахбороти

ЖОЙЛАРДАГИ ТАЯНЧ НУҚТАЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ёшларни ҳақиқий ватанпарварлар қилиб тарбиялаш, Миллий истиқлол мафкураси ғояларини кенг меҳнаткаш оммага онгига сингдириш, республика мустақиллигининг уч йиллигини муносиб кутиб олишда ХДП аъзолари меҳнат ғайрати ҳамда ташаббускорлигини ошириш мақсадида қатор ибратли тадбирларни амалга оширяпти.

Яқинда кенгашда республика, вилоят ҳамда туман рўзномалари журналистлари, радио ва телевидение ходимлари билан мулоқот ўтказилди.

Мулоқотда вилоят партия кенгаши биринчи котиби Жалолиддин Нуруллаев, вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдужалил Халилов матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари мамлакатимиз Президенти ҳамда ҳукуматининг сиёсатини тарғиб қилишда, партия дастурий мақсадларини амалга оширишда жойлардаги таянч нуқталари эканликларини алоҳида таъкидлашди. Ҳокимликлар қоғоз тақчиллиги ва иқтисодий қийинчиликлар даврида журналистлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, уларни ижтимоий жиҳатдан пухта ҳимоялаши зарурлиги уқтирилди. Матбуот чиқишларига, таҳририятларнинг моддий шароитини яхшилашга эътиборни кучайтириш лозимлиги айтилди.

Учрашувда вилоят ҳокими Мавлон Раҳмонов журналистлар эзгу ишларда ҳокимиятни қўллаб-қувватлайверадилар, деб ишонч билдирди.

Даврон БАҲРОНОВ.

Намангандаги шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасида ишчиларнинг моддий аҳволи тобора яхшиланмоқда.

Суратда: корхона назорат чиси маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

«Истиқбол» газетаси—60 ёшда

КЎЗ НУРИНИ ТЎКИБ

Газетамиз чиқа бошлаганига 60 йил тўлди. Дастлаб «Колхоз турмуши» деб номланиб, кейинчалик номи бир неча марта ўзгарган бўлса-да, аммо асосий мазмун-моҳияти сақланиб қолди. У оддий меҳнаткашнинг қонуний манфаатлари учун курашди, тумандошлар қувонч ва ташвишлари ҳақида ҳикоя қилди.

Газета тахламларининг сарғайиб кетган саҳифалари варақланса, кўплаб қаламкашлар номларини учратиш мумкин. Биринчи муҳаррир Комил Пўлатдан тортиб кейинчалик газетага раҳбарлик қилган Ю. Баҳодиров, Х. Боймуҳамедов, С. Раззоқбердиев, М. Абзалов, С. Каримов кабиларнинг қалб қўри, кўз нури тушган турли мақола ва хабарлар бизга ўтмишдан гувоҳлик беради.

Газетамиз ёш қаламкашлар учун ўзига хос тажриба мактаби бўлганлигини эслаб ўтиш жоиз. Узоқ йиллардан бери таҳририятимизда ишчи-қишлоқ мухбирлари мактаби ишлаб турибди. Уни тугатганларнинг бир қанчаси ҳозир малакали журналист бўлиб етишганлар.

Эндиликда республика, вилоят, шаҳар оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётганлар орасида Салоҳиддин Муҳиддинов, Раҳимберди Умаров, Темур Убайдулло, Жўра Саъдуллаев, Ҳалил Қаюмов, Умида Абдуазимова каби журналистлар газетамизда ишлашган ва мақолалари билан фаол қатнашишган.

Мураккаб иқтисодий шароитда газета чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Туман ҳокимлиги бизга имкон даражасида молиявий ёрдам бермоқда. Шу билан бирга ўзимиз ҳам йирик корхона, ташкилот ва муассасалар билан ўзаро шартномалар тузиб ишламоқдамиз.

Газета тўйи арафасида туманда «Истиқбол» газетаси кубоги учун футбол мусобақалари ўтказилди. «Қатортол» фуқаролар йиғини Тошкентнинг «Ўрикзор» мавзеси яқинидаги янги маҳаллани газетамиз номи билан аташга қарор қилди. Туман марказидаги кўчалардан бирига газетамиз номи берилди.

«Истиқбол»ни вақтида, сифатли чиқариш учун қайғураётган босмахонамиз раҳбари Шуҳрат Ғуломов жамоаси меҳнатини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Қоғоз тақчиллиги ва турли қийинчиликларга қарамай, ишчи ва хизматчилар матбуот сўзи одамларга вақтида етиб бориши йўлида журналистларимиз билан баравар жон куйдиришмоқда.

Абдусаттор ҲОТАМОВ,
Зангиота тумани «Истиқбол» газетаси муҳаррири.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба, 11. VII

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Ёшлик» студияси. «Мусаввир». 18.30 «Фасли ёз». Телефильм. 18.40 «Муҳофаза». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Шифокор маслаҳати. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри артистлари ижросида концерт. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 Шукур Холмирзаев. «Қадимда бўлган экан...» Видеофильм. 22.40 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.05—00.15 «Ўзгалар бахти». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 20.20 «Бутун умр давомида». Телефильм. 20.40 «Деҳқон ҳиммати». 21.10 «Излаган имкон топади». 21.40—00.10 Ғалабанинг 50 йиллигига «Улар Ватан учун жанг қилдилар». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

17.25 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. 1/4 ФИНАЛ.

19.30 — 20.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 Душанба куни детектив. «Мурданинг кўзгуси». Бадиий фильм. «Эркюль Пуаро» сериалидан. 21.00 «Сиз яратган боғ». 21.30 — 22.30 «Ҳақиқат онлари».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 «Тонг».
18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика). 18.50 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Спорт уйи-энди». 20.45 Сизга аталган учрашувлар. Режиссёр Валерий Фокин. 21.30 Иллюзиялар канали. 22.10 — 22.50 «Санъат қасри».

Сешанба, 12. VII

ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 «Хатарли парвоз». Бадиий фильм. 9.40 «Ортиқ Отаҳонов куйлайди». Фильм-концерт. 10.05 «Абитуриент-94». Кимё. 10.35 «Зарипов чавандозлари». Телефильм. 11.05 «Абитуриент-94». География. 11.35 Ўсмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!». 12.45 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 13.15—14.15 «Ёшлик» студияси. «Адолат».
17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Интилганга толе ёр». 18.40 «Куй ва соз соҳиби». Телефильм. 18.55 «Таълим ва ислоҳот». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Мусиқий дақиқалар. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. «ИСТИҚЛОЛ ҚЎШИҚЛАРИ». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 «ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС...» 22.15 «Ҳар кимдан гумонсировчи одам». Бадиий фильм. 23.40—00.05 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). «ОМАД» таништиради: 19.50 «Мультфейерверк». 20.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари. Эълонлар. 21.00 Видео янгиликлари. 21.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари. Эълонлар. 22.00—24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Совға». 9.30 «Ҳар соҳадан бир шингил». 9.40 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 9.50 Эълонлар. 10.00 Видео — «О». 11.45 Эълонлар. 11.55 «Курьер». 12.10 «Ҳар соҳадан бир шингил». 12.30 «Рок ҳақида». 13.00 Эълонлар. 13.10 «Шарқ дурдоналари». 13.40 «Даракчи». 13.50 Эълонлар. 14.00 Видео — «О».

18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 «Динозаврга айланмайлик». 20.10 Киномарафон. «Фойдали партия». Бадиий фильм.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25—24.00 «Ном-нишонсиз икки йил». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 «Тонг».
18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.50 Мавзу». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 Илк манбадан» 20.40 1994 йил қўшиқлари. 21.25 Катта футбол лаҳзалари. 22.00 — 23.50 Сўнгги дақиқа». Бадиий фильм (Италия).

Чоршанба, 13. VII

ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 Болалар учун фильм. «Болакайлар». 9.55 «Шоирлар хиёбони». Фильм-концерт. 10.30 «Абитуриент-94». Математика. 11.00 «Ёшлик» студияси. «Хизмат жойим—ички қўшинлар». 11.25 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 11.40 «Абитуриент-94». Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 12.10 Чўлпон. «Асорат». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театри спектакли. 14.00 — 14.30 Лотин алифбоси.
17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Фан уфқлари». 18.40 «Хотира». Ёзувчи Мумтоз Муҳамедов таваллудининг 85 йиллигига. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 Мусиқий дақиқалар. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Санъат олами». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти» 21.25 Эълонлар. 21.30 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. «ГУЛЛА, ЯШНА, МУСТАҚИЛ ДИЁР!. ЭКРАНДА — САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ. 22.30 «АНОР» САҲИФАЛАРИДА. 23.25 «Ўзбекистон» ахбороти. 23.50 «Олис масофага югуриш усули». Бадиий фильм. 00.55 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. ЯРИМ ФИНАЛ. Танаффус пайтида — Эълонлар ва Янгиликлар.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 «Спринт». 20.35 «Жонли тил». Телевизион ўйин. 21.35 «Иқтисодий мустақиллик йўлида». 22.15 — 23.30 «У ёлғиз эмас эдн». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.30 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 19.20 «Ҳеч ким унутилмайди».

19.25 — 20.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.55 Арт-обстрел. «Яхши тўлқинлар». 21.30 «Осойишта уй». С. Шолохов кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.45 «Мафтунингман». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 «Тонг».
18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.50 «Кино юлдузлари. Жан Маре: мен 80 ярим ёшдаман...» 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Инсон ва қонун». 20.40 П. -У. Энквист. «Севги осойишта тунга ўхшайди». А. Чехов номидаги Москва Бадиий академик театрининг фильм спектакли. Танаффус пайтида (21.35) — «Монолог». 22.25 «Матбуот-экспресс». 22.35 — 23.00 Халқ чолғулари ижрочилари танлови совриндорларининг концерти.

Пайшанба, 14. VII

ЎзТВ I

6.30—8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Политотдел». 2-тайм. 10.20 «Абитуриент-94». Ўзбек тили ва адабиёти. 10.50 «Рушана Султонова рақсга тушади». Фильм-концерт. 11.15 «Абитуриент-94». Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11.45 Болалар учун. «Ўйинчоғим, яхши қол!». 12.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 12.25 — 13.35 Болалар учун фильм. «Петькани кўрган борми?».
17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 18.50 «Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Устозни ёд этиб...» Ўзбекистон халқ артисти Исоҳор Оқилов. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Навоийхонлик». 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 «ХОНАНДА БИЛАН УЧРАШУВ». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Замира Суюнова. 22.10 Учқун Назаров. «Ойна». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 23.40—00.05 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
«ОМАД» таништиради:
19.50 «Омад» тақвими. 20.00 «Жозиба». 20.20 «Бир шингил ҳангома». 20.30 «Зиндаги ёхуд муҳаббат». 20.50 Видео янгиликлари. 21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари. Эълонлар. 21.50—23.50 Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 20.45 «Ўз ўйини». 21.15 «Джаз-клуб». 21.45 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида. 22.15 Криминал хабарлар экрани.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.40 «Майдонга йўл». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 «Тонг».
18.00 «Тиғиз пайт». 18.25 «Шаддод Роза». Телесериал. 18.50 «Эслашлари учун...» Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатуви. 4-боб. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Москва — Кремль». 20.55 «Иффатнинг ўзи». Бадиий фильм (Франция). 22.45 — 22.55 «Матбуот-экспресс».

Жума, 15. VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 Болалар учун фильм. «Ана Бумбо келди». 9.45 «Юнус Ражабий». Телефильм. 10.15 «Абитуриент-94». Биология. 10.45 «Шаҳрисабз». Телефильм. 11.00 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 11.25 «Абитуриент-94». Физика. 11.55 «Илҳом» телевизион клуби. 12.40 «Алифбо сабоқлари». 13.10 — 13.40 «Кафолат».
17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви. 18.10 «Оромгоҳлар қўйнида». 18.30 «Фермерлар». Телефильм. 18.50 «Ёшлар ва замон». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Ёшлик» студияси. «Дилкаш суҳбатдош». 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Анъаналар этади давом...». Мусиқий кўрсатув. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар 21.30 Бевосита мулоқот. 22.30 «Шоҳсупа». Бокс бўйича жаҳон кубоги мусобақалари якунига чизгилар. 23.00 ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ МАҲБУБА ҲАСАНОВА КУЙЛАЙДИ. 23.50 — 00.15 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 19.50 «Ватан туйғуси». 20.30 «Тиғиз пайтда». 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 — 22.25 «Тошкент оқшомлари».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.40 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм.

19.30 — 20.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.25 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. ЯРИМ ФИНАЛ.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.55 «Маобит дафтари». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 «Тонг».
17.50 «Инсон ва қонун». 18.20 «Горячев ва бошқалар». Бадиий телесериал. 34-серия. 18.50 «Мўъжизалар майдони». 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.30 «Ҳафтанинг машҳур кишиси». 20.50 «Детективлар клуби»да. «Ден Огаст». Телесериал. 11-серия. 21.55 «Матбуот-экспресс». 22.05 — 22.55 «Взгляд» А. Любимов билан.

Шанба, 16. VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 «Ноқулай одам». Бадиий фильм. 10.00 «Самарали изланишлар». 10.30 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида». 11.10 «Анъана ва замон». 11.50 Ўсмирлар учун. «Яшил чироқ». 12.40 «Мусиқа маскани». Ҳамза номидаги мусиқа билим юртининг 70 йиллигига. 13.40 «Шоҳруҳ» клуби. 14.10 «Оламни асранг». 14.40 «Эъзоз». 15.20 — 16.25 Бир асар тарихи. Одил Ёқубов. «Диёнат».
17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. «Остонадаги ўйлар». 18.25 «Неъмат Қўзибоев». Телефильм. 18.40 «Оила». 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Эълонлар. 19.55 «Мусиқа оҳанглари». Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 «Бир ҳикмат бор муҳаббатда». Эркин Мадраҳимов лирикаси. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 Эълонлар. 21.30 «КУЛГИ КЕЧАСИ». Ҳожибой Тожибоев. 22.30 «ТУНГИ ЁҒДУ». Дам олиш кинодастури. 00.10 «КАТТА ФУТБОЛ ЛАҲЗАЛАРИ». 00.25 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. 3-ўрин учун матч.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк». 9.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари. Эълонлар. 10.10 Видео янгиликлари. 10.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари. Эълонлар. 11.10 «Кинонигоҳ». 12.40 «ОМАД» тақвими». 12.50 «Жозиба». 13.10 «Бир шингил ҳангома». 13.20 «Зиндаги ёхуд муҳаббат». 13.40 Видео янгиликлари. 14.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари. Эълонлар. 14.40 — 16.30 «Кинонигоҳ».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.50 Болалар учун. «Табассум». 20.30 «ЭКОСАН» — сизнинг жамғармангиз!». 21.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.25 «ДАН: Йўлингиз бехатар бўлсин!». 22.25 «Концерт залларида». 23.25 — 00.15 «Баҳритошлик».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

12.20 — 16.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

12.20 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.45 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 3 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН. «Ўзбекистон — қадрдон уйим». 13.30 «Дидар» (қозоқ тилида). 14.00 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 14.15 «Умид» (уйғур тилида). 14.45 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 15.00 «Томоша давом этиши керак...». Мусиқий кўрсатув. 15.40 «Бу ажиб дунё».

18.00 — 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 Санъаткор фильмотекасидан. Режиссёр И. Хейфиц. «Ася». Бадиий фильм. 21.05 «Мутлақо махфий». 21.55 «Ёлғиз қирол». Юл Бринер. В. Вульф кўрсатуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.40 «Болагинам». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 «Рукн премьераси» туркумидан кўрсатув. 18.50 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Бьюаленд». Телесериал. 4-серия. 19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.45 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Комиссар». Телесериал 6-серия. 21.40 «Академия». 22.10 «Матбуот-экспресс». 22.20 — 22.45 «Рақслар, рақслар, рақслар...».

Якшанба, 17. VII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 75—76-сериялар. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 10.30 «Халқ ижодиёти». Сурхондарё вилояти «Кумуш тола» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 10.50 «Ёшлик» студияси. «Ҳуқуқ сабоқлари». 11.35 Болалар учун. «Рисолат қиз ўйнасин». 12.00 «Кулги — дармон дейдилар». Абдулла Акбаров. 12.45 — 14.30 Шароф Бошбеков. «Темир хотин». Сирдарё вилояти Маданият уйи бадиий ҳаваскорларининг спектакли.
17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. «Маҳалламиз болалари». 19.00 «Дўстлар дийдори». Телефильм. 19.25 Эълонлар. 19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида). 20.00 Эълонлар. 20.05 «Мусиқа ва тасвир». Кинокўрсатув. 20.55 Эълонлар. 21.00 «Ҳафтанома». 21.30 Эълонлар. 21.35 «Ойнаи жаҳонда...». 21.55 «ҚУШИҚ ВА ШЕЪРИЯТ КЕЧАСИ». Ғиёс Бойтоев ва Муҳаммад Юсуф. 22.55 «Муҳаббатнома». Бадиий фильм. 00.25 ФУТБОЛ. ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ. ФИНАЛ.

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

17.00 «Совға». 17.30 «Ҳар соҳадан бир шингил». 17.35 Эълонлар. 17.40 Видео-«О». 19.20 Эълонлар. 19.25 «Курьер». 19.40 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар. 20.00 «Ҳар соҳадан бир шингил». 20.15 Эълонлар. 20.20 «4/8». Мусиқий кўрсатув. 20.40 «Даракчи». 20.50 Эълонлар 21.00 — 23.00 Видео-«О».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

12.20 — 16.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

12.20 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 12.45 Элчихоналардан янгиликлар. 12.50 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси». Франция. 13.20 «Непал» ва бошқалар». 13.50 «Би-Би-Си» янгиликлари (инглиз тилида). 14.05 «Интердиалог: Ўзбекистон — ЕС» (Овропа ҳамжамияти). 14.40 Сиз ёқтирган қўшиқлар. 15.10 «Си-Эн-Эн» янгиликлари (инглиз тилида). 15.25 «Озгина-ю созгина». 15.40 «Бу ажиб дунё».

18.00 — 19.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.25 «Криминал' квартет». Бадиий фильм. 20.50 Спорт кўрсатуви. 20.55 «Городецклик усталар». Телефильм. 21.25 «Футбол қасидаси». П. Доминго, Х. Каррерас, Л. Паваротти Лос Анжелесда.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.30 — 00.50 «Ноктюрн». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.40 Мультфильмлар: «Баскетбол жазаваси», «Ҳақиқий ажина овловчилар». 18.35 «Бомонд». 18.50 Жан-Поль Бельмондо «Шаҳар узра ваҳима» бадиий фильмида (Франция). 21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви. 21.55 «Хабарлар». В. Шукшин. 22.40 — 22.55 «Авто-шоу».

ЖАРЧИНОМА

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОЛЛЕЖИ

1994—1995 ўқув йилига (кундузги ва сиртқи бўлимларга) қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчилар

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Деҳқон (фермер) хўжалигини ташкил этиш; ўсимликларни ҳимоя қилиш; ер тузиш (кундузги); агросаноат корхоналарида тижорат фаолиятини ташкил этиш.

Коллежнинг 3104 — «Ўсимликлар муҳофазаси» ва 3120— «Деҳқон (фермер) хўжалигини ташкил этиш» ихтисосликлари бўйича ўқув режасига биноан уч босқичда узлуксиз равишда мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган.

Ўқитишнинг биринчи босқичи якунида «III тоифа трактор ҳайдовчиси» ишчи касби бериш учун малака синови ўтказилади. Иккинчи босқичга ўтганларидан сўнг «Қишлоқ хўжалик фермери» ва «Ҳосилотчи энтомолог» малакаларини олиш имкониятига эга бўладилар. Учинчи босқични битиргандан сўнг тўлиқсиз олий маълумотли «Фермер-технолог» (агроном) ва «Ҳосилотчи энтомолог» малакаларини оладилар.

Коллежни аъло баҳоларга битирганлар ўз мутахассисликлари бўйича олий ўқув юртларининг кундузги бўлимига III курсдан, сиртқи бўлимига IV курсдан ўқишга қабул қилинадилар.

Коллежга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириш-лари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асли), тиббиёт маълумотномаси (намуна 086-У), 6 дона фотосурат (3X4 см. катталикда), меҳнат дафтарчасидан тасдиқланган кўчирма, йўлланма (иш жойидан), паспорт, ҳарбий билет (шахсан кўрсатилади).

Коллежнинг кундузги ва сиртқи бўлимларида ўқиш ўзбек тилида олиб борилади. Барча мутахассисликларга (кундузги ва сиртқи) 10—11 синфни битирганлар қабул қилинади.

Кундузги бўлимларга ва агросаноат корхоналарида тижорат фаолиятини ташкил этиш сиртқи бўлимига аризалар 1 июндан 15 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Сиртқи бўлимга ҳужжатлар 3 октябрдан 1 декабргача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 1 декабрдан 20 декабргача ўтказилади.

«Ер тузиш» ва «Агросаноат корхоналарида тижорат фаолиятини ташкил қилиш» мутахассисликларига кирувчилар ўзбек тили ёки рус тилидан (диктант), математикадан оғзаки имтиҳон топширадилар,

«Деҳқон (фермер) хўжалигини ташкил этиш» ва «Ўсимликларни ҳимоя қилиш» бўлимларига (кундузги ва сиртқи) кирувчилар эса: ўзбек тили ёки рус тилидан (диктант), ҳамда ҳимоядан (оғзаки) имтиҳонлар топширадилар.

Коллежга қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Коллежни тамомлаганлар танланган асосий касбдан ташқари қўшимча тракторчи, пахта териш машинаси ҳайдовчиси, кичик сотувчи, экспедитор касбларини ҳам эгаллайдилар.

КОЛЛЕЖ МАНЗИЛГОҲИ: 702033, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Назарбек» қишлоқ шўроси. Коллежга «Пахтакор» метро бекатидан 53-автобус, «Тўқимачилик» комбинати бекатидан 182-автобус, «Чилонзор» метро бекатидан 125-автобус, «Беруний» метро бекатидан 62-автобус қатнайди.

● НАЗМ ДАФТАРИДАН

ИССИҚ ЖОЙ ЙЎҚ ВАТАНДАН БОШҚА

Юрагимда кўз очар Ватан
Доя бўлар юракнинг ўзи
Уйгонаман мен ҳам қайтадан,
Осмон каби очилар кўзим.
Улғаяди юракда Ватан,
Соат сайин, кун сайин ўсар.
Сиғмай қолар қалбга дафъатан,
Кенгликларга чиқмоқни истар.
Қўйворгиси келмас бағридан,
Ахир унда не қилмоқ керак!
Воз кечади қондалардан,
Кенгликларга айланар юрак.

ҚАЛДИРҒОЧГА ЎХШАБ КЕТАСАН

Софияга

От минишни хуш кўрган синглим,
Отда ўзин қуш кўрган синглим.
Кўпкарини туш кўрган синглим.
Ойбарчинга ўхшаб кетасан.
Оромлардан воз кечган синглим,
Елгон эмас, рост кечган синглим,
Шоирларга хос кечган синглим —
Сор лочинга ўхшаб кетасан.
Кўнгил айтар: шаҳарда не бор!!
Қололмайсан қишлоқда — шеър бор...
Қишлоқ чорлар, чорлайди шаҳар—
Қалдиргочга ўхшаб кетасан.

* * *

Бизга ҳасад қилганлар кўпдир,
Боқишади кўзлари ўқдир.
Ичларида ҳайрихоҳ йўқдир —
Арпасини хом ўрдикми биз!
Улар билмас муҳаббат — ғамни,
Ғийбат қилар фақат одамни,
Ўлчаб юрар ҳар бир қадамни —
Зарбасини кам кўрдикми биз!
Парво қилма, жоним уларга,
Ит яралган ахир ҳурарга,
Етажакмиз нурли кунларга
Шарпасини ҳам кўрдик-ку биз!

* * *

Хаёлим ажойиб режа тузмоқда,
Дунёнинг ташвиши бир четда қолиб,
Олиб кетай дейман сени узоққа—
Ҳар хил миш-мишлардан,
сўзлардан холи
Уйлама: олисда менга нима бор!
Ахир сен шабнамдан, нурдан
тозасан,
Истамайман сенга қўнишни ғубор.
Бу хаёт шафқатсиз — аямас мени,
Хаёлим-хомхаёл— амалга ошмас.
Олиб кетолмасман олисга сени,
Кўзларимда қотган армондир —
йўқмас...

ҚУШИҚ

Унутмоқчи бўлдим, бўлмади,
Юрак бунга ҳеч йўл қўймади,
Муҳаббатим гули сўлмади —
Меҳринга тўймадим, тўймадим.
Кўнглим йўқ деб алдайсан мени,
Ичларингда алқайсан мени,
Ёки чиндан севмайсан мени,
Билмадим, билмадим, билмадим.
Учратмасам балки соз эди,
Шунча ситам, азоб соз эди,
Кўнгил қиймас, баҳор, ёз эди,
Аламдан ўйладим, ўйладим...

БАРГ

Яшамоқлик бунчалар ширин,
Ҳеч узилгинг келмайди шохдан.
Бу ҳолингда ҳикмат, яширин,
Иссиқ жой йўқ Ватандан бошқа

ХОТИРА

Эй, йўловчи, ўтирган жойинг
Тўнка дея ўйлама сира.
У минг йиллик қадим чинорни,
Эслатувчи ёлғиз хотира.

НАЗАР ШУКУР ЁДИ

Кулиб турар эдинг, кулиб
юрардинг,
Ҳаммага яхшилик қилиб юрардинг,
Дўстларга суянчиқ бўлиб
юрардинг,
Кўзимиз ёшларга ғарқ этиб
кетдинг.
Шамолдай тинчимас, меҳнаткаш
эдинг,
Ёниб яшар эдинг,
ўт-оташ -эдинг,
Одамларга меҳри бир қуёш эдинг,
Юзимиз сарғайган барг этиб
кетдинг.
Юрагинг қор каби оқ, тоза эди,
Шеърларинг тилларда овоза эди,
Ижодинг айни аяж парвозда эди,
Баҳорги чақмоқдай ярқ этиб
кетдинг.
Бу дунё кўксингга тор
келдими, айт,
Боқий дунё ишқи зўр келдими,
айт,
Жаннат қадамингга зор
бўлдими, айт,
Йўқса, нега бизни тарк
этиб кетдинг!!

Туроб НИЕЗ

● РУҲИЯТ ШУЪЛАЛАРИ

КАНГУЛНИНГ БАЛАНД ТОҒЛАРИ



Тарихдан шундай кузатув аён. Ҳар бир халқнинг ижтимоий ҳолатида гоҳ кўтарилиш, гоҳ тушиш жиҳатлари содир бўлиб туради. Ўзлигига қайтиш, ўзлигини сезмаслик тарзлари кечади. Ўзлигини англаб келган, қадр-қимматини баланд тутиб келган халқимизнинг қисматига ёзуғлик бир даврбўлдиким, бу жараёнда унинг қадрият тимсоллари анчайин сустлашди. Яқин кечмишда кечган фурсатлар садоси, фикримча, шундайин тасаввурни намоён этади. Шундайин кузатувни пайдо қилади. Ровийлар демишлар: «Оқмасдан қолмайди бир оққан ариқ». Шундай. Эндиликда, мушкулот сўқмоқларидан туртиниб, суриниб, унутилган қадриятларимиз яна ўзининг кўп қадимий ўзанларига, боболардан мерос қолган кўҳна изларига яқин боряпти. Халқ янгитдан ўзлигини, бўй-бастини англяпти. Ғурурини сезяпти. Ватанини танияпти. Ватанни таниш...

Ватан — руҳият ҳодисаси. Шундай экан, уни таниш ва уни суюш ҳам руҳиятнинг муқаддас ҳодисаси. Ёлғизоёқ йўллардан бошланган мурғак қадамлар, кичкина орзулардан ҳаракатга келган мўътабар мақсадлар кенглик дейилмиш буюк майдонда макон бунёд этади. Унда бирлашади. Бу буюк майдон, тасаввуримча, руҳиятдаги Ватан тимсолида ўзининг шаклу шамойилини топади. Шу жойда, Ватаннинг фикримизга қаттиқ ўрнашиб қолган фақат жуғрофий ҳосила эмаслиги пайдо бўлади. Ва, у масалага чуқурроқ нигоҳ ташлашга ундайди. Фикрлашга, мушоҳада юритишга даъватлайди. Дарҳақиқат, Ватан — нафақат бизнинг атрофимизни ўраб турган нарсалар. Нафақат жисмлар. Ватан нафақат ёнимизда кечаётган воқеалар ёким нафақат содир бўлаётган ҳодиса-ю ҳаракатлар. Бўлар бор-йўғи моҳиятнинг ташқари жиҳатлари. Ватан дейилмиш вужуднинг назаримизгагина ташланиб турган, нигоҳларимизгагина кўринаётган жиҳатлари ила тарзлари, холос.

Аммо, Ватан дейилмиш ҳосиланинг яна бир жиҳати бор. Яна бир тарзи бор. Аслида, ўша жиҳат билан ўша тарз асосий моҳиятдир. Нигоҳлар силсиласини бирлаштирган туб халқа ўшадир. Ўшадир —назарлар тизимини марказлаштирган мустаҳкам тўға. Шу боисмикин, уни шунчаки илғаш мушкул. Шунчаки тасаввур қилиш қийин. У чинакам идрок билан ҳис қилинади, заковат билан англанади, туйғу билан сезилади. Бу, ўша юқорида ишора қилинганидек, кангулдаги ғурур, юракдаги қадр, қалбдаги имон, руҳиятдаги эътиқод. Буни сезишнинг воситаси илм билан қучватланади, тафаккур билан мустаҳкамланади.

Бугун истиқлол манзилида эканмиз, уни энг аввало, тафаккур суви билан қондириш лозим. Бунга катта эҳтиёж сезилмоқда. Негаки, бундай ўтиш жараёнида нима муҳим, нима номуҳим эканлигини фақат чуқур ақлу идрок билан, теран фаҳму фаросат билан ажратилади. Кечиладиган нарсадан вақтида кечилиб, танланадигани вақтида танланмаса асосий мурод қоришиб қолаверади. Синовдан ўтган, кузатувларда кўрилган шундай бир хулоса бор: Ҳамишаям ҳаво ўзгариб, шамол эсганда ёким довулу тўзон турганда, ҳавога, осмону фалакка биринчи бўлиб енгил нарсалар кўтарилади. Чангу ғуборлар юзага чиқади. Асил, томири берк жисмлар эса, илдизига суяниб мустаҳкам заминда вазмингина тураверади. Чунки, уларнинг таянчи замин. Бугунги ҳолатни кузатар эканман, негадир хаёлимдан мазкур қиёс ўтаверади. Фикр қиламан. Хусусиятларнинг замирига қачонким, илм ила тафаккур, маърифат ила зиё маҳкам жойлашсагина муддао равшан бир мақсадга айланади. Йўқса, ҳар қандай ўзгариш ҳам, янгиланиш деб аталган қутлуғ ният ҳам юзаки, расмиятчиликнинг навбатдаги бир кўринишига дўниб қолаверади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб фикр юритилса, миядаги қурумни, юракдаги зангни кеткамасдан туриб, руҳият иқлимларига пок ҳаволарни йўналтирмасдан туриб истиқлол мақсадини камолга етказиш мушкул. Мен бу ерда маънавий камолатни назарда тутяпман. Сабаби, биз ҳозирда кўпроқ моддий, иқтисодий қийинчиликлар доирасида ўралашиб қоляпмиз. Ривож ҳам қўшалоқ. Танқислик ҳам қўшалоқ. Шунинг учун, бугунда моддий танқислик қаторида, фикр танқислиги ҳам мавжуд эканлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бу бор воқелик. Иккаласини бир-биридан алоҳида ҳолда ривож топтиришга уриниш моҳият тарозисининг бир палласига ўтириб билан баробарким, оқибатда тарозининг бўш қолган палласи айланиб келиб яна зиёнини тош қўйилган паллага етказади. Шунинг учун, эндиликда, истиқлол маънавияти ҳақида жиддий ишлар қилинаётгани айни муддао. Истиқлол руҳиятини тарбиялаш лозим. Бу маънавиятнинг камолоти билан боғлиқ жараён. Бунинг учун руҳни, энг аввало, фикрсизлик исканжасидан, билимсизлик қопқонидан қутқариш зарур. Билимсизлик кўп ёмон касорат саналгайким, унинг оқибатлари борасида ўтмиш донишларимиз хўб оғриниб-оғриниб қайд қилганлар. Фикримни мустаҳкамлаш сифатида, шу ўринда аллома Алихонтўра Соғунийнинг бир ҳикматларини келтириб ўтишни жоиз санадим. Ул зот ўзларининг «Туркистон қайғуси» номли хотира — асарларида (афсусларким, мазкур асар ҳали бизнинг халқимизга тўла ҳолда тақдим этилмаган. Даврий нашрларда парчалар чиққан, холос) шундай битикни ёзиб кетганлар: «Кофирлик ёмонми, билимсизлик—тушунмаслик ёмонми? Бу саволга дунёнинг энг улуғлари, пайғамбарлардан бошлаб, барча билимлик донишмандлари билимсизлик ва тушунмаслик куфрдан ҳам ёмонроқ, деб жавоб берганлар».

Эҳтиёж фарзанди бўлмиш одамзоднинг чинакам хазинаси — руҳининг бойлигидир. Табиатда бўлгани сингари ҳар бир одамнинг кангluда ҳам, ундан пайдо бўлган миллатнинг руҳиятида ҳам ўзининг муқаддас бойлиги ҳисобланган баланд тоғлари бўлади. Ҳа, кангулнинг баланд тоғлари бўлади. Бу баланд тоғлар ғурур, қадр, Ватан, тил, истиқлол тамойилларида зуҳур топади. Ўзлик шамойилларида намоён бўлиб юз кўрсатади. Шундай эргач, қайсики миллат ўзини таниш тарзига кирган маҳалида биринчи навбатда кангулнинг баланд тоғларини бунёд этмоғи лозим. Албатта, тафаккур қудрати билан. Маънавият хосиятлари билан. Маърифат чироғларидан таралган нури зиёлари билан. Шундагина у миллатнинг иззати барқарор бўлади, у одамнинг ўзлиги ўсади. Миллатнинг қадриятини, иззатини, ғурурини, номусини ,орини ўзлигини англаган одамларгина кўтара олади.

«Инсоннинг кимлигини нимани англашига қараб билиб оламиз», деган эди ҳинд мутаффакири Рабиндранат Тагор. Гап айланб-айланиб, яна фикрий ўсувга, маънавий юксакликка бориб тақалади. Истиқлол қадрни англашга йўл берган экан, ўзликни сезишга имкон очган экан, одамлар диёнат, камтарлик, мурувват, оқибат шуъалари борасида авваллардагидан кўра янаям кўпроқ ўйлашлари, янаям жиддийроқ мулоҳаза юритишлари лозимдек туюлади. Янаям кўпроқ фикр қилишлари зарурдир. Агар бу фазилатлар ўйда, фикрда, идрокда, кангулда, руҳиятда макон топса, миллат маънавияти ҳам, қолаверса, жамият маънавияти ҳам шунга қараб шаклланади.

Шунинг учун ҳам инсоний қадриятларга қайта-қайта мурожаат қилавериш керак. Токи, улар бирор фурсат ҳам назардан четда қолмаслиги, фикрдан бегона бўлиб ташқарига чиқмаслиги муҳим. Бу фазилатлар миллатнинг бойлиги-ку, - ахир! Улар истиқлол жамиятининг маънавий мезонларига айланиши керак. Улар истиқлолнинг руҳий таянч, маънавий таянч устунлари бўлсагина, миллат ўзлигини асрайди. Қиёфасини, маънавий қиёфасини сақлайди. Аждодларга муносиблик ҳиссини авайлайди. Инчунун, бу фазилатлар бизга муқаддас Ватан сингари, табаррук тил сингари боболаримизнинг улуғ мерос. Меросга муносиблик, аждодларга муносиблик уларга ижобат айлаш билан боғлиқ муҳтарам кечим. Шунинг учунким, аждодлар руҳига иззат-ҳурмат, уларни авайлаш хусусидаги тадоркини, авваламбор. уларнинг қолдирган фазилатларига муносабатдан бошлаш муҳимдир. Муносиблик шундагина нозил бўлади. Шундагина қиммат топади. Шундагина қадрга айланади.

Халқимизда бир гап бор: Ҳамма нарса аввало, кангулда бўлиши керак, кангулга солиши керак, кангулда яшаши керак. Бу, худди, аждодларга ҳурмат билдириш шаклида айтилгандек. Ҳақиқатдан ҳам кангулда яшаган ҳурмат барқарор бўлади. Қалбга нур беради, рухда шакл топади.

Фазилатлар—юксак маърифатнинг, чуқур билимдонликнинг нишонаси, Маданиятнинг белгиси. Маънавият чироғининг ёғдуси. Улар комиллик сифатини яратади. Шу ўринда ҳазрат Мир Алишер Навоий амал қилган бир фозиллик сифатини келтираман. Тарихчи Хондамир ўзларининг, «Макоримул-ахлоқ» асарларида иншо этилишларича, «ҳар қачон подшоҳи Соҳибқиронданўз ҳолига бирин-кетин иноят ва марҳамат кўрган сари, хилват жойга бориб, бош ялонғочлаб, бир миқдор тупроқни бош устига сочар ва азиз нафисига ундаб айтардики; дунё мартаба ва ҳашаматларнинг эътибори йўқ, зинҳор бу мартабаларнинг қўлга киришини худбинлик ва такаббурга сабабчи қилма, ўзингни тупроққа тенг тутиб, мумкин қадар фуқаро ва мискинлар ишини ҳал қилишга ўрин».

Миллатнинг ҳолатини унинг ўз қадриятига тегишли хусусиятларига нисбатан бўлган муносабатига қараб белгилаш мумкин. Шу жиҳатдан назар солганда, истиқлол моҳиятини англаш даражаси ҳам унинг замирига қаратилган муносабатда кўринади. Истиқлол—биринчи навбатда руҳият ўзгариши. Жамият даражасини илм аҳлига бўлган, маърифат аҳлига бўлган, қисқаси, зиёли аҳлига бўлган эътибори ёки эътиборсизлик белгилайди.

Истиқлол — миллатнинг ибтидоси ва интиҳоси орасидаги энг азиз, муқаддас туйғу. Аниқроғи, руҳий озодлик. Миллатнинг аҳволотини умумий савия, умумий даража белгилайди. Баъзи-баъзида ўйлаб қоламан. Истиқлолга йўл солган халқнинг илмга қизиқиши нега сусайиб кетяпти? Аждодларимиз руҳига яқин беряпмизми ёким кун ўтган сайин узоқлашяпмизми? Яқинлашганимиз нималарда намоён бўляптию, йироқлашаётганимиз нларда содирлик кўрсатяпти? Назаримда, фазилатларга нисбатан муносабатда аждодларимиздан йироқлашяпмиз. Хусусан, ахлоқ жиҳатидан анчайин бегоналашганмиз. Илмга ҳавас, уни билишга интилиш бобида узоқлашиб кетяпмиз. Бир гуруҳ зиёлиларни бир ёнга қўйиб, умум ҳолатдан келиб чиқилса, аччиқ эрса-да, тан олиш жоизки, маърифатдан, аждодлар тафаккур оламидан узоқлашяпмиз.

Аждодларимиз руҳи, қадри маълум саналар, муносабатлар боиси билан ўтказилаётган тадбирлардагина эсланиб қолмасдан, миллатга мансуб ҳар бир кишининг дилида макон топиши керак. Таъбир жоиз бўлса, боболаримиз тафаккур оламини идрокнинг алжабрига менгзайман. Алжабрнинг мағзини чақиш, унинг маъносига етиш учун, албатта, арифметика деган босқичдан ўтиш лозим. Шу сингари боболар закосини тушуниш учун ҳам, катта қувваи ҳофизага, тайёргарликка, билимга эга бўлиш керак. Шундагина у оламга кириш мумкин.

Ачинарли томони шундаки, илмга эътиборсизлик асосан, айни билим ва ҳунар эгаллаш ёшида дош бўлиш муаммоси ўйлантирадиган жиҳат. Истиқлолни қорин тўйғазиш билангина, эгнин бут қилиш туйғуси билангина, маишат қилиш ҳисси билангина, олиб-сотиш манфаати билангина жория этамиз деган ўй замирсиз гапга ўхшайди. Истиқлол — фикр билан, маърифат билан, ахлоқ билан бунёд этиладурган иморат. Фикр ила маърифат, илм фарзанди. Деворлари паторат тортиб кетган кутубхоналарда қадим, сарғайган варақларни титиб, унга кўз нурини тўкиб, мукка тўшиб ўтирган маърифатли одамни кўрганимда канглум тўлиб кетади. Ажаб синоатга, мўъжизага дуч келгандек бўламан. Камёб, нодир нарсага қарагандек, орзиқиб қарайман. Китоб ўқийдиган дўст-ноёб мўъжиза. Эрта бир кун миллатнинг бастини ана шу жуссаси синиқ, эгни юпун зотлар кўтаради, деган хаёл хотирамдан бот-бот янада кенг ўтади. Уларнинг тобора сийрак тортаётганидан эзиламан. Менимча, истиқлол шундайларга йўл очиб, шундайларни қадрлаши керак. Уларга шарт-шароит яратиши лозим. Чунки, аждодларнинг муқаддас меросларини шундайин имкони қиска, фикри улуғ инсонлар асрайди ва келгуси авлодларга эсон-омон етказади. Фикр руҳдан-руҳга ўтгувчи ҳаракат чизиғидир.

Танқисликни фикри йўқ, нафсига оғайни кишилар майдонга чиқаради. Ўзидан бўлак ҳар қандай одамнинг насибасини ярим қилишдан номус чекмайдиган, ризқини қийишдан тоймайдиган учарлар, нафси оч-нодонлар юзага келтиради. Нафс ўз ҳаракат нуқсларини қиёфаларда зуҳур этадики, натижада кангулга нур таратиб турган хислатлар ўрнини ёвузлик эгаллайди. Оқибат чеҳралардан зиё қочади. Кўзлардан ҳайрат бадарга бўлади. Бир замонлар поездларга ҳайрат кўзлари билан тикилган, ҳавас билан қараган, ортидан то кўринмай кетгунга қадар жажжи қўлчаларини силкитиб қолган болалар ўрнига, эндиликда поезд ойналарини битта қўймай, тош билан уриб синдирадурган болалар бўлиши одамни қийнайди.

Нима бу? Ёвузликми? Кангул чироқларининг ўчиш аломатими? Ҳайратлар қаерга кетди? Одамзод нега бунча ёвузликка ройиш бермоқда? Ҳайрат нега бунча бегонасираб, одамлар канглудан йироқ тушмоқда? Наҳот?! Ёвузликнинг томири қаерда? Билимсизлик ва нафсига ихтиёр беришда. Унинг йўрғиғида юришда.

Бугун кангул чироғларидан шуъалаланган ҳайрат—ғариб.

Бугун юрак меҳридан, қалб тафтидан нур олган ҳавас — етим.

Миллий истиқлолнинг асосий қирраларидан саналган миллий қаёт ила миллий ахлоқ — кемтик. Модомики, ҳайрат муҳитдан, шароитдан пайдо бўлар экан, ундан қувват олар экан, унинг бош томири оилада. У оилада шакл топади.

Оила хусусидаги гапнинг бошланмаси маънавиятдан йиғрилиб, ниҳояси ҳам худди шу хусусият билан тикилгани маъқул. Назаримда, оилани турфа йўсин панду насиҳатлар эмас, ҳар хил қонунлар эмас, ранг-баранг мажбурияту талаблар эмас, балки фақатгина юксак маънавият мустаҳкамлайди. Маънавиятни эса адабиёт камолга етказади. Тарбиялайди.

Адабиёт инсонни оддий ҳаракатдаги жисмдан фарқли ўлароқ, гўзал мўъжиза эканлигини англатиб турадиган воситадир, руҳият кечимларини уйғотади. Чироқларни ёқади. Миллий маърифатни ва миллий маданиятни ўргатади. Миллий хотирани тиклайди, уни авайлаш, асрашга ундайди. Миллатни, халқни, Ватанни, тилни, истиқлолни қорин нафси ёки манфаат аъмоли, фойда илинжи билан эмас, балки руҳ қувват берган ақл ила юрак билан суйиш керак. Бунинг томири яна адабиётда Ва адабиёт шакллантирган эътиқодда. Яқин кечмишдан, бизнинг онгимизга сингдирилган қурилманинг қусурларидан бири, аввaламбор, унинг қуроқлигида эди. Шу билан биргаликда, яхлит, ялақат эътиқод йўқлигида эди. Шунинг оқибатида, оилада бегона нуқтаи назарлар, ёт қайфиятлар пайдо бўлдиким, бу рўзғорни ҳам қуроқ ҳолга олиб келди. Натижада оила бутунлигига путур етказди. Қадимдан шаклланган ҳурматга зил кетказди. Жиддийроқ эътибор бериб, назар солинса, ҳар бир оилада, балки эркакдадир, балки аёлдадир, балки фарзанддадир, ишқилиб қайси бирида бўлса ҳам оилани бирликда тутиб турғувчи фазилат бўлади. Бу фазилат устун, яъни, суянч вазифасини ўтайди. Рўзғорга хайру саховат, қуту барака келтиради. Қачонким, ўша жиҳатга путур етиши билан оиладан файз қочади. Барака кўтарилади, Орага совуқчилик шабадаси оралайди. Ўша устун аниқроқ айтганда, фикрларни марказлаштириб борадиган маънавиятдир. Яъни, қалбга сингдирилган ва уни атрофдагиларга юқтира оладиган таъсир ҳамда куч ҳисобланади. Енгил ҳаётга ҳавас, енгилтакликка ўчлик, фақат кун ўтишини ўйлаш, маишатга муккасидан берилиш, келадиган даромад ва фойданинг пайида бўлиш оқибатида кангулдаги кўпгина фазилатлар емирилади. Маънавиятсизлик кўчаяди. Унинг касорати — тубсиз чоҳ. Жаҳолат. Оилада содир бўлган ажралиш бу икки кишигагина дахлдор жабр эмас, борингки, уларнинг ёнида турган, атрофида юрганларгагина тегишли азоб эмас, балки, миллатнинг жабри ила азобидир. Меҳрсизлик ва ёвузлик илдизидир. Оилага тушган иллат қадриятни парчалаб ташлайди. Ғурурни оёқ ости қилади. Эътибор беринг-а! Уйда видео-томошаларни қўйиб, бола-чақа билан биргаликда кўриш, аввало, эру хотин орасидаги муносабатга болта уради. Қолаверса, ота-она билан фарзандлар ўртасидаги масофани бор бўйи билан чегириб ташлайди. Ҳаё пардалари, ҳурмат пардалари кўтарилади. Бошқача айтганда, ота-она билан фарзандларни тенглаштиради. Бундайин мантиқсиз тенглик натижасида, оилада ота-она билан фарзандлар орасида иззат ўрнини менсимаслик, беписандлик, сурбетлик уруғи эгаллайди. Бу эса халқимизнинг азал-азалдан мерос бўлиб келаётган хислатларини барбод қилиб ташлайди. Қарабсизки, рўзғорда ниш урган, бир-бирига нисбатан авж олган ушбу совуқ муносабат қайрилма йўлаклар билан катта кўчаларга чиқади. Сочилади. Ёвузликка айланади. Газак олиб, бора-бора миллатнинг ахлоқини бузади. Маънавиятни, қурт мисоли кемиради. Қонни айнитади. Бегона жамият қурилмаси ишлаган мақсад машинасининг ҳаракат моҳияти шундан иборат эди. Куннинг кўпи билан билинтирмасдан, сездирмасдан, немуғдор, пихини ёрган устакрорлик ила миллатнинг руҳини ўлдириш. Уни қадриятига, ғурурига, ўзлигига тегишли фазлу фазилатларидан айро тушириш, бенасиб қилиш, таянчсиз, томирсиз қолдириш. Муҳими, кангулдаги маънавиятни йўқотиш. Оилани синдириш.

Истиқлол суянчларидан бири,— синган оилани бут қилиш. Уни аждодларимиздан мерос қолган фазилатлар билан нурлантириш. Рўзғорларда ахлоқ ила одобни, шарм ила ҳаёни тиклаш. Ўз руҳиятимизга қайтиш. Оилани асрашнинг йўли, қадимдан мавжуд, мустаҳкам шакл топган меҳру оқибатни ўзанига, яъни, рўзғорга қайтариш. Руҳиятимизга ёт, ҳар хил жилғалардан, бегона ирмоқлардан оқиб келган кайфиятлардан шафқатсиз равишда кечиш. Емрилаётган маънавиятни аждодларимиздан мерос қолган фазилатлар манбаида қайтадан тиклаш. Токи, у барбод бўлиб, завол топмасин.

Ҳар қандай муносабатнинг отаси — меҳр, онаси — оқибат бўлмоғи лозим. Шундагина маънавиятга дарз кетмайди. Унинг кангулдаги иморати берк бўлади.

Миллий мафкуранинг пойдевори — миллий моддият. Унинг устуни — миллий маънавият. Миллий мафкура бу фақат ғоялар ишораси ёким фикрлар ташаббуси эмас, балки, шулар қаторида жорий ҳаракатлар, муайян амалий ишлар ижобати ҳамдир. Пойдевор ва устун бириккан жойда иморат мустаҳкам бўлиши аён. Истиқлол иморатининг мустаҳкамлиги ҳам миллий моддият билан миллий маънавиятнинг бирлик йўсинидадир. Шу жиҳати билан у қадрли ва аҳамиятлидир:

Фикримни битта-иккита ўзимга яқин бўлган, ўзим яхши билан кузатувлар билан тўлдирмоқ истадим. Бу мисоллар бир қараганда, миллий мафкура жориясига қотишмагандек туюлар. Лекин, юқорида келтирилгандек, миллий мафкура муайян амалий ишларда ҳам ифодасини топади. Аввалги йил истиқлол байрамида Касбига бордим. Ўша кунлари элимда, хешларим билан-бирга бўлгим келди. Қарангки, савоб ишларнинг устидан чиқдим. Туманнинг марказида жойлашган хўжалик ҳазрат Мир Алишер Навоий номлари билан аталади. Ҳозир ширкатга айлантирилган. Ширкат бошқони, урф бўлган сўз билан айтсам, ишбилармон, тадбиркор Зикриё Асроровнинг саъй-ҳаракати ила узоғи билан бир ярим йил орасида маърифат маркази, масжид, новвойхона, чойхона қурилди. Булар ширкатнинг соф даромадидан бунёд этилди. Борганим шуларнинг очилиш маҳалига тўғри келган экан. Канглум бир равшан тортди. Яна бир уддабурон инсон Эмин Ҳазратқулов туманнинг Жизза қишлоғида истиқомат қилади. Касби-кори муҳандис бўлган у киши олдин оилавий фермер ташкил этди. Келган даромад ҳисобига қишлоққа тегирмон қуриб берди. Одамларнинг дуосини олди. Яқинда борганимда эшитдим: Чойхона бошлатибди. Шу тумандаги Сайидо Насафий ширкатининг бошқони Тоштемир Аминовнинг одамлар рўзғорининг, дастурхонининг тўкислигини ўйлаб боғ режалаштиргани ҳам маъқул бўлди. Меҳнаткашларнинг дам олиш шароитини ташкил этиш мақсадида қурдираётган ҳордиқ маскани ҳам уддабуронлик натижаларидир. Ушбу кузатувларни келтиришдан мурод—маънавият тамойилларининг илдизига ишора этмоқдир. Шароит моҳиятни яратиш манбаи эканлигини айтмоқдир.

Фикр — миллат руҳининг тириклиги.

Ўтган боболар шундай деганлар: Кимки ақлсиз бўлса, у азобланади. Кимда турмуш ўртоғи — аёли бўлмаса, у бахтсиз ҳисобланади. Кимнинг фарзанди бўлмаса, унинг номи ўчади. Қаровчиси йўқ одам, ожиз саналади. Лекин, буларнинг ҳаммасидан ҳам ёмон, бахтсизи руҳи ўлган кимса ҳисобланади. Демаккким, асосининг асоси — миллат руҳининг тириклиги экан.

Миллатни эътиқод камолга етказади.
Ватанни эътиқод улуғлик маснадига кўтаради.
Миллатни тафаккур асрайди.
Ватанни тафаккур бутун қилади.
Булар кичкина Кангулда вояга етади. Кангулнинг баланд тоғларига айланади. Чўкмасин шу баланд тоғлар...

Икром ОТАМУРОД.

● Спорт ●

ДОВОН ОШИШ ОЛДИДАН

● Яна бир тур ўйинларидан кейин республика миллий футбол чемпионатининг олий лигаси жамоалари дастлабки давра ўйинларини якуклашади.

Ўн тўртинчи турда кучли олтиликни ташкил этиб турган жамоалар учрашуви қуйидагича бўлди: «Трактор» — «Нефтчи» — 3:4, «Нурафшон» — «Политотдел» — 2:1, «Орол» — «Пахтакор» — 0:1, «Темирйўлчи» — «Навбаҳор» — 2:1, МХСК — «Сурхон» — 3:0. Ҳозир «Нефтчи» 25, «Нурафшон» 22, «Политотдел» билан «Пахтакор» 18, «Темирйўлчи», МХСК ва «Суғдиёна» жамоалари 16 тадан очко билан олдинда боришмоқда.

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИНИ КЎЗЛАБ

● Самбочиларимиз ҳам кўзда Хиросимада бўладиган Осиё ўйинларига ҳозирлик кўришмоқда.

Полвонларимиз Тошкентдаги «Динамо» спорт саройида ўтказилган мамлакат биринчилигида ўзаро беллашдилар. Ш. Жўраев, Ж. Парамонов, З. Шарипов, Х. Аъзамов, С. Раҳимов, А. Бағдасаров, Қ. Пирматов, Р. Эргашевлар мусобақа ғолиби сифатида Осиё ўйинларига борувчилар қаторидан жой олдилар.

МАРРА САРИ ИНТИЛИБ

● Францияда профессионал велосипедчиларнинг халқаро пойгаси давом этмоқда.

Ҳамюртимиз Жамолиддин Абдужабборов дастлабки босқичда маррага биринчи бўлиб келди. Ҳозир у уч босқич бўйича кучли бешликдан жой олиб турибди.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати ва жамоат ташкилотлари Марғилон умумтехника факультетининг декани Абдупатто Мирзабобоевга отаси

Ҳаким МИРЗАБОБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Генетика институти жамоаси институт директорининг муовини А. А. Паттаховга волидаи муҳтарамаси

Хайри опа МИРСОАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Президиуми ва Фанлар академияси ходимлари касаба уюшмасининг республика қўмитаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, кимё фанлари доктори, профессор

Ҳамдам Усмонович УСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Асриддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» нашраси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—1037 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, А. ПЎЛАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. топширилди — 21.50 1 2 3 4 5 6.